

ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНМАДИ, САБАБИ...

... агар иситиш батареяларини олиб кетишига қаршилик қилса ёки улар учун алоҳида пул тўламаса, олган 200000 сўмни тан олмаслигини гапирган...

4 - бет

ХАЗОНГА ҚОРИЛГАН ҲАЁТ



«Ширк» этган овоз эшитилди-ю қўллари кишанланди қолди. Шокир бақириб юборди. Ичига кимдир керосин селиб гугурт чакқандай туюлди. Бу яна нима кўргулик?!

5 - бет

АЛОҲИДА БЕЛГИСИ:

ТАТУИРОВКА



Шаҳрихон туман ички ишлар бўлими ходимлари Катта Фарғона каналининг Отахонов номли жамоа хўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи 26-километрида эркак кишининг жасади топилганлиги ҳақида прокуратурага хабар қилишди.

7 - бет

Газета 1997 йил
27 августдан чиқа
бошлаган

2000 йил,
9 - 15 август, № 31 (147)




Ўтган ҳафтада

«Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ ва республика бозорларида соғлом рақобат ва муҳитни шакллантириш, рақобатни ривожлантириш учун зарур ташкилий-ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш, бозорларни монополлаштиришга ури-нишларга йўл қўймаслик, бозор иқтисодиёти талабларига жа-воб берувчи монополияга қарши тартибга солиш тизимини ҳимоя қилиш манфаатларини кўзлаб Ўзбекистон Республика-си Президентининг 2000 йил 2 августдаги Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобат-ни ривожлантириш давлат қўмитаси ташкил этилди.

ХУҚУҚШУНОС ИШ-СТОЛИГА

ИЗЛАНИШЛАР САМАРАСИ

«Қонун ҳимоясида» журнали муштарийларининг ёдиди бўлса керак, нашр чоп этила бошлаган дастлабки йилларда унинг саҳифаларида «Хуқуқий атамалар лугати» чоп этиб борилад эди. Лугат инглизча-русча-ўзбекча хуқуқий атамалардан иборат бўлиб, унинг дастлабки қисмларини чоп этишни бошлаганимизда хуқуқшунослардан илиқ гапларни эшитишга тўғри келган. Чунки, шиддат билан ривожланиб бораётган жамиятнинг етук мутахассис-лари учун бу каби манбалар жуда ҳам зарур эди. Бу ҳали ҳеч ким қўл урмаган, аммо барча хуқуқшунослар, айниқса, халқаро хуқуқ меъёрий ҳужжатлари билан ишлаш ниятида бўлган хуқуқшунос олим-лар учун муҳим қўлланма бўлди. Қолавер-са, барча соҳада бўлгани каби хуқуқшу-нослар ҳам эскирган услублардан қочиб, жаҳон андозаларига мос равишда фаолият олиб боришга ўзларида эҳтиёж сеза бошлагандилар.



Ушанда мазкур лугатларни тузиб, тайёрлаб бизга тақдим қилаётган муаллиф - Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Халқаро хуқуқ ихтисослиги бўйича инглиз тили кафедраси мудири, филология фанлари номзоди, доцент Гофуржон Сатимов изланишларини тугаллаб, уни китоб ҳолида чоп этиш нияти борлигини айтиб ўтган эдилар. Лугатнинг бир қисми журналнинг бир неча сонларида босилгач, домла ишга қаттиқ киришиб кетдилар. Аммо натижасидан беҳабар эдик.

Ҳинда домлани тасодифан учратиб қолдим. Режалари нима бўлгани билан қизиқдим.

— Интилганга толе ёр экан, укажон, - дедилар. — Китоб нашр этилди. Ёнларида бор экан, олиб менга тутқаздилар. Очиғи; китобнинг салмо-гини қўриб ҳайратим ошди. Фафуржон акадан буни яшира олмадим.

— Жуда зўр иш бўлибди-ку?! Қаттиқ муқовада, қалингина...

Хуллас, китоб домланинг жонқуврликлари, фидойлиги, узоқ изланиш-ларининг самараси сифатида, менга — китобнинг яратилишидан озми-кўпми хабардор кишига кадрли эди. Китоб муқовасига оддийгина қилиб, уч тилда «Инглизча-русча-ўзбекча хуқуқий атамалар лугати» деб номи ёзиб қўйилган. Уни «Адолат» нашриёти 5000 нусхада чоп этган. Кириш қисми ҳам муаллиф — Фафуржон Сатимовга тегишли.

Саҳифаларда хуқуқшунослар учун зарур барча иборалар учта тилда жамланган. Муаллиф инглизча, демакки, халқаро хуқуқ терминлари каторида қўлланилаётган атамаларнинг русча, сўнг ўзбекча матнларини келти-рад. Ҳозирга қадар билиб-билмай турли ибораларни қўллаб келаётган муаллифлар бу китобдан ўзлари учун маълум йўналишларни белгилаб оладилар. Халқаро ташкилотлар томонидан жаҳон миқёсида тузилган хуқуқий ҳужжатлар, баёнотлар, декларациялар, мурожаатларнинг асл мағзини қақиб ўрганишга яхши имконият юзага келди.

Барча хуқуқшуносларга ҳар томонлама енгиллик тугдиришда лугатнинг ёрдами бекибс. Зеро, муаллифнинг бу китобни яратишдан қўзлаган мақсади ҳам аслида шу бўлса ажаб эмас.

Нодир МАҲМУДОВ



**Болаликнинг кўчаларида юргим келар, югургим келар,
Оппоқ ойдин кечаларида юрагимни учиргим келар.**

ТЕЛЕАНОНС

Ўзбекистон Республикаси прокуратура-сининг «Қонун ҳимоясида» ва «Хуқуқ» газе-таси бирлашган тахририяти қошида иш бошлаган «Қонун ҳимоясида» телегуруҳи-нинг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёр-ланмоқда. Кўрсатувнинг бу галги сониди Қорақалпоғистон Республикаси прокурату-расининг қонунчиликни мустаҳкамлаш, фер-

мерларни қийнаётган муаммоларни ҳал этиш борасидаги амалий хуқуқий ёрдамлари, сох-та ишбилармонлар фаолиятига қарши тад-бирлари, жиноятчиликнинг олдини олиш борасидаги ишлари ҳақида сўз юритилади.

Кўрсатув 14 август душанба кунини ЎЗТВ 1 кечки дастурларида намоиш этилади.

«ХУКУК»

юридик газета

Таъсисчилар:

Ўзбекистон Республикаси
прокуратураси,
Тошкент шаҳар ва Тошкент
вилояти прокуратуралари,
«Қонун ҳимоясида»
журнали

Бош муҳаррир:

А.АБДУРАЗЗОҚОВ

Таҳрир ҳайъати:

Мэлс Наимов,
Комилжон Исмоилов,
Ботир Пулатов,
Бахтиёр Назаров
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Дилшод Исмолов
(масъул котиб),
Лола Шомуродова,
Зайниддин Мамадалиев

Газета Давлат матбуот
қўмитасида №00150 рақам
билан рўйхатга олинган
Нашр кўрсаткичи — 231, 232

Манзил: Тошкент шаҳри,
академик Яхё Ғуломов
кўчаси, 66-йй.
Телефонлар: 77-72-25,
133-82-34

Таҳририятга келган қўлёзма
ва суратлар эгаларига
қайтарилмайди.
Муаллифларнинг фикрлари
факрланиши мумкин. Газетада
босилган факт ва далиллар
учун муаллиф масъул.
Наширимиздан кўчириб
босилганда «Хукук»дан
олинганлиги кўрсатилиши
шарт.
Тижорат аҳамиятига молик
материаллар ** белгиси
остида чоп этилади.

Газета андозаси таҳририят
компьютер марказида
Pentium-II MMX - 333
компьютеридида саҳифаланди.

«Хукук» оригинал-макети

Газета «Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмахонасида офсет усулида
А-3 форматда
чоп этилган.
Корхона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.

Буюртма Г - 752
Нухаси — 13971

Босмахонага топириш
вакоти 20.00
Босмахонага
топирилди 18.00

Газета ҳафтанинг чоршанба
кунлари чиқади

Навбатчи муҳаррир:
Д. ХАЛИЛОВ
Навбатчи: Н.МАҲМУДОВ
Сотувда эркин нархда

1 2 3 4 5 6 7 8

ПУБЛИЦИСТИКА

ЎЗБЕГИМ ТАЪРИФИ

Давлат ва миллат. Мафкура ва тафаккур. Ҳар бири улкан маъноларга эга бу тушунчалар, аслида умумийдир. Мафкура. Араб тилидан кириб келган бу сўз «фикрлаш» деган тушунчани англатади. Аммо мафкуранинг етакчи, даъват қилувчи қудратини тан олоқ зарур.

Албатта, ҳар бир миллатнинг ўз оғи, тафаккури ва фикрлаш тарзи бўлади. Биз аждодларимиз илм дунёси бешигини тебратганидан лол қолсак, мисрликлар ҳали-ҳали қадимий маъбудаларини эъзозлашди. Америкаликлар икки юз йилдан ортиқ вақт мойбайнида демократик давлат қуришга хизмат қилиб келадиган Конституциясидан гуворланишга, японлар техника тараққиёти борасида ҳам қадимий аъёналарига содиқ қолишда уйғунликка эришганиларидан фохланишди. Мустақиллик умиди, эркак ташналик ҳалқимизнинг қонида ҳамиша уйғоқ яшаб келган. Бунини тушуниш учун илмларини мазийнинг эг қўна буюқларидан сув ичган, минг йиллар муқаддам дунёга ўрнак бўлган ўзбек миллати тарихини эслаш қийон.

Бу ҳақда қадим аждодларимиз томонидан яратилган «Авесто» китоби ҳам далолат беради, зеро у ўзининг теран фалсафий ва илоҳий мазмунини билан бугун ҳам инсоният тафаккурини мафтун этиб келмоқда.

Мозийга қулоқ тутинг — тарих саҳифалари сизга ҳалқимиз бошига кўп фожевалар тушганини сўзлаб беради. Туркий қабилалар ўртасидаги тарқоқлик ва зиддиятлар, фотихларнинг тажовузлари, араблару форслар, мўғуллару қорахитойлар истибдоди, кейинчалик чор Россия-

си истилоси, шахога сифиниш даврининг машъум қатагонлари ҳалқ қонидаги озодликка интилиш исёнларини маҳа эта олмаганлигининг гувоҳи бўласиз.

Тарихдан маълумки, чор Россияси ўтган асрнинг 60-йилларидан эътиборан Ўрта Осиёда кенг миқёсда олиб борган босқинчилик урушлар орқали юртимизни эгаллаган. 1917 йилнинг 28 ноябрида Қўқонда Туркистон Мухторияти эълон қилиниб, ҳалқимиз кўрагига шамол теккандай бўлган эди. Бундан таъсирланган Фитратнинг «Хуррият» газетасидаги (1917 йил 5 декабрь) сўзларига қулоқ тутинг: «...Эллик йилдан бери эзилдик, таҳқир этилдик, қўлимиз боғланди, тилимиз қисилди, оғзимиз қопонди, еримиз босилди, молимиз таланди, шарафимиз юмрилди, номусимиз ғасб қилинди, ҳуқуқимизга тажовузлар бўлди, инсонлигимиз оёқлар остига олинди, тузимли турдик, сабр этдик. Елғиз бир фикрни бермадик, яшунтирдик, имонларимизга авраб-сақладик: Туркистон Мухторияти!».

Ҳа, озодликка, мустақилликка ташналик эди бу. «Ватанин севмоқ иймондандир» дейишимиз бежиз эмас эди. Миллатимиз ўтмишида ягона мафкуранинг охилиги давлатчиликнинг парчаланишига, унинг таназзулларга юз туттишига олиб келган. 1999 йил 16 февралда содир қилинган террорчилик ҳаракат-

лари ҳам ана шундай ғаразли мақсадларни кўзлагани бугун ҳаммага аён.

Бизнинг, мустақил ўзбек миллатининг мафкураси қандай бўлмоғи, қандай хусусиятлари билан фарқ қилиши керак?

Юқорида айтилганидек, ўзбек ҳалқи азалдан эркин бўлишга интилиб яшаган, не-не мусибатларни енгиб ўтмаган, чунки у ЭРКСЕВАР-дир.

Тугилиб ўсган юртининг тупроғини эъзозлайди, БАТАНПАВАР-дир у.

Бу ҳалқ умр бўйи фарзандлари, набираларига тўй қиламан, деб орзу қилиб яшайди, «топганини тўйга буюрсин», деб ният қилади, шунинг учун у ТИНЧЛИКСЕВАР ҳалқидир.

Ўзбекининг қалбида бешикда ётган пайтидаёқ она аллоси билан вужудига сингиб кетган иймони бор, шунинг учун бешик тебратётган ОНА сиймоси ҳамиша улуг ва илоҳийдир.

Ислом бу юрда эъзозланади, Оллоҳ бу ҳалқнинг доимо қалбида яшайди, ЭЪТИҚОДИ кучлидир унинг.

Бу ҳалқнинг ёшлигиданоқ меҳнатга қизиқиб, яратувчанлиги бор, чунки у МЕҲНАТҚАШДир.

Маънавияти кучли, бетақорор урф-одатлари, аъёналари борки, уларсиз ўзбеки тасаввури этиш қийин.

Бу заминда ота-она, қайнона-қайната, эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғчилик ўзгача маънога эга, бу ўзбекининг ВУЖУД-дидир.

Оила, қўни-қўшни, маҳалла ҳамиша эъзозланади, МУҚАДДАС ҳисобланади.

ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СҲҲАТ

ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯЧИСИ

— Собир ака, бошқарманинг асосий вазифалари нимадан иборат? У тадбиркорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилувчи бошқа ташкилотлардан фарқи қандай ҳуқуқ ва ваколатларга эга?

— Адлия вазирлиги қошида ташкил этилган ушбу бошқарма ўз фаолияти жараёнида тадбиркорларнинг ҳақиқий ҳимоячиси ва қўмақдошига айланиб десам, янглишмайман. Бошқарма ва унинг вилоятдаги бўлимлари тадбиркорларнинг ҳуқуқий ҳижатдан қўллаб-қувватлаш йўлида зарур ваколатлар ва ҳуқуқлар берилган. Жумладан, барча вазирликлар, идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, маҳаллий ҳокимият ҳамда бошқарув органлари, мансабдор шахслар томонидан тадбиркорлар ҳуқуқига риоя қилиш бўйича барча қонунлар ижросини қонунларга амал қилган ҳолда текширишдек масъулиятли вазифа юклатилган. Бундан ташқари, айтиб ўтилган органлар раҳбарларига қонун ҳужжатларида аниқланган қонунбузилиш сабаблари ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида белгиланган муддатларда бажарилиши мажбурий бўлган тақдирномалар киритиш ҳуқуқи ҳам берилган. Қолаверса, бугунги кунда барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари маҳаллий ҳокимият бошқарув органларининг кичик ва ўрта хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳақ-ҳуқуқларини буюши қаратилган ҳаракатлариники еки қарорларини тўхтатиб қўйиш ҳамда тадбиркорларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан амалда катта иш қилдирилди.

Бошқармаимиз ўз ҳуқуқ ва ваколатлари доирасида шу бугунгача қўллаб тадбиркорларни амалга оширдиди. Жумладан, 2000 йил биринчи

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг ҳалқ ҳўжалигида жиддий ўзгаришлар юз берди. Олдинги пайтларда давлат тасарруфиде бўлган ишлаб қилириш объектлари ва бошқа мулклар ишнинг қўзини биладиган тадбиркор кишиларга хусусий мулк қилиб берилди. Шу билан биргаликда ҳукуматимиз томонидан уларнинг фаолият юритишларига ҳуқуқий асослар ва қатта имкониятлар яратиб берилди. Лекин кейинги пайтларда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг фаолият юритишларига баъзи назорат органларининг расмийчилик юзасидан ҳар хил тўқсинчиликлар қилаётгани ва уларнинг ишга ноқонуний аралашиш ҳолатларининг кўпроқ учраб турганилиги учун тадбиркорларни ҳар томонлама ҳуқуқий ҳимоя қилишга зарурат туғилди.

Шу муносабат билан Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 17 февралдаги 37-сонли қарорига асосан Адлия вазирлиги ҳузурда «Кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб қувватлаш ва ҳимоя қилиш бошқармаси» ташкил этилган эди. Жамоатчи муҳбиримизнинг шу бошқарма катта маслаҳатчиси Собир Зокиров билан сўхбати бошқарма фаолияти ҳақида бўлди.

ярмида мазкур бошқармага кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларидан 589 та ариза ва шикоятлар келиб тушган. Улардан 449 таси мазмунан қўрилиб ҳал этилган. 145 таси эса ҳозирги кунда ҳал қилинмоқда. Бошқарма томонидан 140 нафар тадбиркорнинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

— Тадбиркорлар кўпроқ қайси масалада сизларга ариза билан мурожаат қиломоқда?

— Шикоятларнинг кўпчилиги ер ажратиш масаласидадир. Республикаимиз иктисодиётининг ривожланишида муҳим бўлган тадбиркорларга ақсарият ҳолларда туман ҳокимликлари ердан бермаёпти. Аслида ўша туманлар иктисодиётини қўтариш туман ҳокимлигининг биринчи галдаги вазифаси-ку.

Бундан ташқари, бошқармага келаятган шикоят хатларидан, мурожаатлардан шу нарса муълум бўлаяптики, баъзи банк бўлимлари ҳам тадбиркорларга кредит бериш ишларини пайсалга солмоқда. Тадбиркорларга жуда муҳим бўлган кредитларнинг ўз вақтида берилмаслиги уларнинг ишини орқага сур-

моқда. Қолаверса, кичик ва ўрта тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган яна бир омил турли назорат идораларининг улар фаолиятига ноқонуний равишда аралашилари. Бундай салбий ҳолатлар кўпроқ Тошкент шаҳрида қайд этилган. Жумладан, шу йилнинг ўтган олти ойи мойбайнида мингдан ортиқ тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари учраган.

— Тадбиркорлар фаолиятига тўсиқ бўлаётган бу қай ҳаракат ва ҳаракатсизликларни бартараф этиш учун қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бу борада бошқармаимиз томонидан қўпгина амалий ишлар қилинди. Тадбиркорларнинг манфаатларини қўллаб, бошқарув идоралари ва бошқа назорат органларига 360 тадан ортиқ тақдирномалар киритилди. 86 ҳолат бўйича эса ҳўжалик судларига тадбиркорлар манфаатини ҳимоя қилиш учун аризалар берилди. Шунингдек, бошқарма томонидан шу пайтгача кичик ва ўрта тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашган ва уларга тўқсинлик қилган 54 нафар ман-

Ўзбекининг фарзандлари вояга етганидан сўнг ҳам ота-онасини тарқ этмайди, уларни бошига қўтариб юради, ота-онага, катта-кичikka ИЗЗАТ ВА ХУРМАТ КўРСАТИШ унинг қонида бор.

Ор-номуси кучли, унинг қизлари йигитларига, аёллари эрларига тик боқмайдилар.

Шеърү газалларни, аскиялару қўшиқларни севди, кўнгли очик, қалби мусаффордир бу ҳалқ.

«Чой ичайлик» деган иборасида эзгулик мужассам, «отасидек улуг» ҳисобланган меҳмонни қўярга жой тополмайди.

Пахтачилигу галлачилик, ўймакорлик, тадбиркорлигу автомобил-созликни ўзининг МИЛЛИЙ ҒУРУРИ ВА ИФТИХОРИ деб ҳисоблайди.

Ўз ҳалқига муносиб, доғнишманд Юртбошини бор, шунинг учун истиклоли порлоқ унинг.

Дарҳақиқат, биз ҳалқимизнинг айрим, бошқалардан ажралиб турадиган жиҳатларига тўхталиб ўтдик, ҳолос.

Демак, миллий мафкураимиз, негизларини аввало, ҳалқимиз табиатида, тарихида, маданиятида, қадриятлари урф-одатларида, тилию динида, мустақил давлатимиз Конституциясида, Президентимиз Ислом Каримовнинг асарларидаги бетақорор ғояларда қўришимиз мумкин.

Бир доғнишманд: «Ўтмишни биламиз, уни ўзгартира олмаймиз. Келажакни билмаймиз, лекин уни бошқаришимиз мумкин», деган экан. Биз эса, онгимиз, тафаккуримиз билан келажакимизни яратадиган, бошқарадиган буюк ҳалқимиз.

Мухтор ШОДМОНОВ,
Республика прокуратураси
Ташкилий назорат ва таҳлилот
бошқармаси бошлигининг
ўринбосари,
адлия кичик маслаҳатчиси

сабдор шахс жавобгарликка тортиди ва суд қарорига асосан 8 млн. сўмдан ортиқ маблағ тадбиркорлар фойдасига ундириб берилди. Тадбиркорлар фаолиятига турли йўсинда ноқонуний аралашиларнинг олдини олиш учун эса республика товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда назорат органларининг текширишларини тартибга солиб турувчи текширув китоби жорий этилди. Белгилаб қўйилган талабга қўра ҳўжалик қоритувчи субъектлар, тадбиркорлар фаолиятини текшириш учун келган назорат органлари ҳодимлари албатта мазкур китобга ўзининг исм-фамилиясини, гувоҳномасининг номерини, текшириш асосларини, текшириш нимадан бошланганини ва қандай ҳўжжатлар талаб қилинганлигини ёзиб қўйиши шарт. Фаолият кўрсатаётган ҳар бир тадбиркорнинг иш жойларига ушбу китоблар тарқатилди ва уни юритиш жорий этилди.

— Бошқармаимиз ишонч теле-фонлари ҳақида ҳам қисқача тўхталиб ўтсангиз?

— Бошқармаимизда ишонч телефонлари фаолият кўрсата бошлаганига анча бўлди. Шу вақт мойбайнида бу телефонлар орқали бизга 223 та тадбиркор турли масалалар бўйича мурожаат қилган.

Юртимиз иктисодиёти, ҳалқимиз турмуш фаровонлиги йўлида бор куч ва имкониятларини аймай хизмат қилаётган тадбиркорларимизга ҳуқуқий ёрдам олишлари учун Адлия вазирлигидаги «Кичик ва ўрта тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш» бошқармасининг ишонч телефонлари — 133-18-86, 133-10-14. Тадбиркорларимиз ушбу тадбиркорлар орқали бошқармага қўнғиқор қилиб, тегишли ҳўқуқий ёрдамни олишлари мумкин.

Сўхбатдош: Б. МЕХРИ

МУНОСАБАТ

Газетамизнинг шу йил 20-сониди «Муаммо» руқнида эълон қилинган «Вагонлар туриб қолаётган» номли танқидий мақолага Ўзбекистон пахтани қайта ишлаш ва пахта маҳсулотларини сотиш акциядорлик уюшмаси («Ўзпахтасаноатсотиш»)дан олинган жавоб хати собиқ шўролар тузумига хос бўлган эскича ва сийқа иш услубини беихтиёр ёдимизга солди. Мана ўша жавоб:

ЭРИНЧОҚЛИК НАМУНАСИ

«Сизнинг 29-11-00 хатингиз «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси тизимида ўраниб чиқиб, пахта маҳсулотларини ўз бақлида темир пул багонларига юклаш, темир пул багонларининг ортқича бўлиб туриб қолишининг олдини олишга бағишланган чора-тадбирлар ўтказилиб, келгусида юқорида кўрсатилган камчиликларни такрорламаслик чоралари ишлаб чиқилди».

Бошқарув раисининг биринчи муовини В.ДЯЧКОВ.

Бугунги кун матбуотида, журналистларга мутлақо янги талаблар қўйилаётган. «Танқид ҳолис бўлсан ва албатта ўз ижобий натижасини берсин». Агар шу нукта назардан қарайдиган бўлсак, юқоридаги қуруқ, юзак расмий жавобни энсани қотирадиган даражадаги масъулиятсизлик маҳсули, эринчоқлик намунаси деб баҳолашимизга тўғри келади.

Афтидан, хатга имзо чеккан расмининг биринчи муовини жаноб В.Дячков мақолани синчиқлаб ўқиб чиқмаган кўринади, деган фикрга бордик. Агар ўқиб чиқсан бўлса, нима учун мақолада кўтарилган муаммолар уюшма раҳбарларини ташвишлантирмади экан?

Муаллифлар вагонлар туриб қолишига сабаб бўлаётган муаммоларни ўрганиш жараёнида Сурхондарё вилояти ҳудуддаги темирйўл бекатларида хизмат қилаётган кўлаб темирйўл ҳодимлари билан бевосита суҳбатда бўлиб, уларнинг дангал ва очик фикр-мулоҳазаларини ҳам мақолада баён этишган эди. Бу суҳбатларда «Сурхонпахтасаноатсотиш» бирлашмаси ишдаги нуксонлар тўғрисида сертификат олишда қийинчиликлар пайдо бўлаётганини, вагонларнинг код рақамла-

рини олиш каби оддий талаблар ўз вақтида бажарилмаслиги ишга салбий таъсир кўрсатаётганлиги каби муаммолар тилга олиб ўтилган эди. Афсуски, уюшма раҳбарлари мақолада кўрсатилган бу ва бошқа муаммолар қандай ҳал қилинаётганлиги ҳақида батафсил жавоб йўлларини ўзларига эл кўрмабдилар.

Бу жавобга алоҳида тўхталиб ўтиш керакми? Албатта керак!

Иш борки, камчилик ҳам бўлади. Аммо ўз вақтида камчиликнинг олди олинмаса, ёмон оқибатларга олиб келади, яъни қонунбузарлиқлар келиб чиқади.

Мухбирларимиз юқоридаги мақолада «Вагонлар туриб қолаётган» деб бекорга бонт ўришмаган эди. Чунки бу вазифа мамлакат иқтисодиётига ҳаётбахш қон томирларидан биридир. Унда мудом ҳаёт қайнаб туриши ва иш тўхтаб қолмаслиги керак.

Ва ниҳоят, «Ўзпахтасаноатсотиш» уюшмаси раҳбарларининг ишга муносабатиди ислоҳот талаб қилган ўзгаришлар бўлмас экан, вагонлар туриб қолавереди.

ТАХРИРИЯТ

АДОВАТГА ҚАРШИ ПРОТЕСТ

Тахририятга келган яна бир хат эътиборимиздан четда қолмади. «1999 йил 20 январда Чиноз туман прокурорининг протести асосида ўз ишимга қайта тикланган эдим, — деб ёзди Чиноз тумани Йўлдош Охунбоев кўчаси 91-уйда яшовчи Мамакура Аҳмедова. — Беш ой давомида «Чинозга» идораси бошлиғи менга доимий равишда бўлиб ўтган воқеалар асосида адоватни давом эттирди. Менга билдирмаган ҳолда 1999 йил 10 июнда 37-сонли, 1999 йил 18 августда 39-сонли, 1999 йил 27 сентябрда 40-сонли сохта буйруқлар чиқариб мени яна ишдан

бўшатиб юборди».

М.Аҳмедованинг тахририятимизга йўллаган аризаси Тошкент вилоят прокуратураси томонидан текширилди. Республика прокуратурасининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи И.Жасимов имзоси билан олинган жавоб хатидан маълум бўлишича, текшириш натижалари бўйича давлат прокурорининг ҳисоббар «Чинозга» идорасига нисбатан ишга тиклаш ва мажбурий прогнот вақти учун иш ҳақини ундириш ҳақидаги даъво аризаси юзасидан

Чиноз туман суди 2000 йил 20 апрелда қабул қилган ҳал қилув қарори ва вилоят суди судлов ҳайъатининг 2000 йил 17 майдаги ақриллама қарори билан Чиноз туман суди вилоят прокурори томонидан протест келтирилган. Протестда, жумладан, суд қарорларини бекор қилиш ва фуқаролик ишлари янгидадан кўриб чиқиш масаласи қўйилган.

Уйлаймизки, бу ишда ҳам адоват қарор топади ва фуқаронинг прокуратурага ва матбуотга бўлган ишончи ортади.

Тахририят хатлар бўлими

ЖИДДИЙ ҚОНУНБУЗАРЛИК АНИҚЛАНМАГАН

Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ тумани «Ужакент» жамоа ҳўжалигида яшовчи фуқаро Г.Алиевнинг тахририятимизга баған билдиргисида «Ужакент» жамоа ҳўжалиги мансабдор шахслари томонидан галла ўримишнинг даврида қонунчилик ҳатти-қаракатлар содир этилганлигини, бундан туман ҳокими ва прокурори шахсан хабардор бўлса-да, қонунбузарларга қарши ҳеч қандай чора қўрмаганлиги таъкидланган эди. Шикоят юзасидан текшириш ўтказган Тошкент вилоят прокуратурасидан вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномжонов имзоси билан қуйидаги жавоб хатини олдик:

Аниқланишича, Қўйи Чирчиқ тумани ҳокими Ж.Файзиев ва туман прокурори Ж.Исроилловлар 2000 йил 9 июнь куни Вазирилар Маҳкамасининг 2000 йил 19 май кунги «2000 йилги бошқоқли дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олишни ушқоқлик билан ўтказиш масалалари тўғрисида»ги Қарори ижроси юзасидан «Ужакент» жамоа ҳўжалиги дон қабул қилиш ва сақлаш омборида текшириш ўтказилган. Текширишда ҳўжаликда юқорида қайд этилган қарор ижросини таъминлаш яхши йўлга қўйилмаганлиги... омборда 12 тонна ҳўл дон қуритилганлиги, дарвозаси тамбабда қўйилганлиги, шунингдек 6 та қолга дон тўлдирилганлиги, донлар уюлган ҳолда сақланаётганлиги аниқланган.

Омбор мудири А.Маҳаматовдан нима сабабдан 6 та қолга бугдой солиinganлиги сўралганда, у бу иш ҳўжалик бош ҳўсilotининг топиширигига биноан лаборатория анализи ва сертификат олиш учун қилинганлигини билдирган.

Мазкур ҳолат юзасидан ҳўжалик раҳбари А.Рихсиев, бош ҳўсilot А.Раҳматов ва омбор мудири А.Маҳаматовларга нисбатан 2000 йил 10 июнь куни туман прокурори томонидан интизомий ҳўққбузарликка доир иш қўзғатилиб, 14 июнь кунги ҳўжалик умумий йиғилиши қарорига қўра бош ҳўсilot А.Раҳматов ва омбор мудири А.Маҳаматовлар эгзаллаб турган вазифаларидан озод этилган ва бош ҳўсilot этиб К.Рўзатов, омбор мудири этиб А.Нишонбоев сайланган. Бош ҳўсilot А.Раҳматов туман прокурори томонидан расмий равишда оғохлантилган.

Текшириш давомида жиддий қонунбузилиш ҳолатлари аниқланмади.

13 КҲН ИШЛАБ 213 СЌМ ОЛГАН-КУ!

Бухоро вилоятининг Олот туманида яшовчи Қ.Бозоров тахририятимизга шикоят хати йўллаб, тумандаги 22-хўнар билим юрти маъмурияти 1998 йилда билим юртининг 87-гурўх талабаларини Қоровулбўзор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигига пахтани яғналашга олиб бориб, 13 кўн ишлатиб, улар (шу жумладан қизи М.Бозорова)га 14 минг сўмлик иш ҳақини тўламагандан, тўлов варақчаларига имзо қўйдириб олганликлари ҳўсусида ариз қилган эди. Ушбу шикоят Бухоро вилоят прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилган, қуйидаги жавобни олдик.

Аниқланишича, Олот туманидаги 22-хўнар билим юрти маъмуриятининг 1998 йил 30 майдаги 25-сонли буйруғига асосан 30 майдан 13 июнга қадар 73 нафар талаба директор ўринбосари Э.Тўраев раҳбарлигида Қоровулбўзор туманидаги «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигида пахтани яғналашга ёрдам берганлар. Жамоа ҳўжалиги уларга иш кўнлари учун 78 минг сўм иш ҳақи ажратган. Шундан 14400 сўми иш ҳақи сифатида ҳар бир талабага 180-213 сўм миқдорда белгиланган, ажратилган 78 минг сўмдан бир қисми талабаларга озик-овқатлар олиш учун сарфланганлиги сабабли ҳўжалик томонидан ушлаб қолingan. Ҳўжалик ҳисоб рақамидан нақд пул бўлмаганлиги сабабли талабаларнинг иш ҳақи ўз вақтида тўланмаган.

2000 йил 8 июнь куни билим юртида иш ҳақи тарқатилаётганда М.Бозорова иш ҳақини олишдан бош тортган. Бу ҳолат юзасидан билим юрти маъмурияти далолатнома тузган.

2000 йил 10 июнда 14400 сўмлик иш ҳақлари тўлов варақаси орқали талабаларга, шу жумладан М.Бозоровага ҳам тўланган.

Талабалардан мазкур ҳолат юзасидан тушунтириш хатлари олинганда улар ўзлари имзо қўйиб иш ҳақларини олганликларини билдирганлар.

Х.ФАЙЗИЕВ, вилоят прокурорининг ўринбосари

АКС-САДО

АРОҚНИ СОТГАН ҲАМ, ИЧГАН ҲАМ ГҲНОҲҚОРДИР

Ассалому алайкум «Ҳуқуқ» газетасининг ҳодимлари. Мени сизларга мактуб ёзишга ундаган сабаб газетангизнинг 12 май 27-сонидати ароқ тўғрисида ёзилган мақолалар бўлди.

Инсон борки, азалдан қил деган ишни қилмай, қилма деган ишни қилиб келади. Бу бизга таъқидланган мевани еб жаннатдан қувилган Одам Ато, Момо Ҳаво ҳақидаги ривоятлардан ҳам маълум. Бу улардан бизларга мерос қолган бўлса ҳам ажабмас.

Энди 23 ёшга кирганлигимга қарамай ҳаётда кўрганларим, ўқиганларим, эшитганларим ҳаммаси юракда бир оғрик қўзғатади, ҳолос...

Менинг фикримча, спиртли ичимликларнинг жамиятимизга таъсири, етказадиган моддий ва маънавий зарари наркотик ҳосилатлар етказадиган зарардан асло кам эмас. Шундай экан, спиртли ичимликларнинг жамиятимизга нима қерағи бор? Мана шу савол анчадан бери мени ўйлантириб келади. Мен спиртли ичимликларни ишлаб чиқариш ва сотишдан келадиган фойдадан қўра, унинг жамиятимизга, давлатимизга етказадиган зарарлари кўпроқ деб ўйлайман. Чунки уни истеъмол қиладиганларнинг ақсарияти қайси қасбда бўлишидан қатъий назар ишга масъулият билан ёндашмайди. Шунингдек, ичкилик сабаб рўй бераётган жиноятлар, оила бузилишлари, фожеалар... Уларни бартараф этишга, олдини олишга давлатнинг жуда кўп маблағлари кетмоқда.

Бу заҳри қотил бизнинг Муқаддас динимиз Исломда ҳам ҳаром қилинган. Бу тўғрида Қуръони Каримда ҳам оятлар мавжуд. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В) жаноблари ҳам қайф берувчи ичимликни ишлаб чиқарганлар, уни сотиб фойда қўрганлар ва уни истеъмол қилганлар гуноҳкор бўлишини айтганлар. Юсуф Қарзавий ҳазратларининг «Исломда ҳалол ва ҳаром» китобида «қайф берувчи ичимликлар тайёрловчи кишига узум ёки ҳурмо меваларини билиб туриб кўтара сотган киши ҳам гуноҳкор бўлиши» ёзилган.

Мени ўйлантирган муаммолардан бири, шу заҳри қотилин ишлаб чиқаришни, истеъмол қилишни таъқидловчи (ҳеч бўлмагандан чекловчи) қонуннинг йўқлиғидир.

Маълумки, тиббиёт эркакларни спиртли ичимлик истеъмол қилиб ўз жуфти ҳалоллари билан қўшилишни таъқидлайди. Чунки бундай қўшилишлардан пайдо бўлган бола ҳар хил касалликлар билан туғилади. Бугунги кунда баъзи хотин-қизлар ҳам бу заҳри қотилин эркаклар билан талашиб-тортишиб; ким ўзарга ичаётганлари айникса, афсусланарли ҳолатдир.

Ахир, ароққор ота ёки она қандай қилиб соғлом авлодни тарбиялайди?

Юқорида айтганимдек, «Ҳуқуқ»да чоп этилган юқоридаги мақолаларни ўқиб мен ҳам қўл силтаб кетаверсам бўлар эди. Лекин бефарқликдан Ҳудо сакласин.

Файрат ЙЌЛДОШЕВ, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, «Ҳурматли» 2-тор кўча, 12-уй

МАҚОЛАЛАР ҲАММА УЧУН ДАРС БЌЛСА...

Тахририятга мактуб йўллашдан мақсадим, сизларнинг ҳўқуқ тар-ғиботи ва қонунчилиги мустаҳкамлаш борасидаги меҳнатларингизга ҳолисона баҳо беришдан иборат. Қасбим юрист бўлганлиги сабабидан мен «Ҳуқуқ», «Постда» ва Сирларё вилоят прокуратураси нашри бўлган «Адолат кўзгуси» газеталарини мунтазам ўқиб бора-

ман. Ушбу газеталарнинг бугунги кунда фуқароларнинг ҳўқуқли маданиятини шакллантиришда аҳамияти катта деб ҳисоблайман. Шу ўринда газетангиз саҳифаларида жиноят тафсилотларининг очикдан-очик ёритиб беришингиз шахсан менга маъқул келмоқда. Яқинда газетангизда берилган «Падарқуш» сарлавҳали мақолани ўқиб ҳайратда қолдим. Наҳотки, фарзанд ўз отасининг ўлимига сабабчи бўлса? Наҳотки, инсонлар орасидан меҳр-оқибат шўнчалик кўтарилиб кетган бўлса? Ака ва ука, ота-

бола ўртасидаги меҳр-оқибат нега йўқолиб бормоқда? Тўғриси, шунга ўхшаш ҳолатларга тез-тез дўх келамиз. Лекин эътиборсизлик қиламиз. Маҳалла — кўй, қариндош - уруғларнинг ана шу эътиборсизлиги мақолада келтирилгандай фожеаларга олиб келади. Менимча, ўша мақолада жиноят тафсилотини очикдан-очик ёритиб берганларнингиз яхши бўлган. Унинг тарбиявий аҳамияти катта, аниқ, ақил, ёшлар учун.

Истагим, ҳамма учун дарс бўладиган, кишиларда жиноятчиликка қарши нафрат уйғотадиган мана шундай мақолаларни газетангиз саҳифаларида ўқиб бориш. Ва охири-оқибат бундай жиноятлар йўқолиб, газеталарда шундай мавзуларни кўтаришга ҳолат ҳам қолмас.

Ҳурмат билан муҳлиснингиз Илҳом АБДУРАҲМОНОВ, Жизжаз ёлоти, Заман тумани

АРЗНОМА

ТЌЛОВЛАРИНИ ТЌЛАЙМИЗ-У...

Ассалому алайкум ҳурматли тахририят! Сизларга қилаётган мурожаатимиз эътиборсиз қолмайди, деган умидда мактуб йўлламоқдамиз.

Биз Юнус-Обод туманининг 13 - мавзё, 4-уйида истиқомат қиламиз. Мана бир неча йилдирки, ҳар йили ёз мавсумида «дом-имининг» юқори қаватида яшовчилар сувқуш чикмаслигидан қийналиб келишмоқда. Сувни ёнимиздаги бозордан чеклаб олишмоқдамиз. Лифт ишламай қолган кўнлари аҳолиимиз янада оғирлашмоқда.

Қишда эса «дом-имининг» токидан сув ўтиб кетади. Иситтичлар яхши ишламайди, иссиқ сув масаласида тез-тез узилишлар бўлиб туради. Йўлақаримиз ҳам таъмирталаб бўлиб қолган. ЖЭКка неча марта мурожаат қилсак-да, факат бир хил — «босим йўқ», «маблағ йўқ», деган жавобни оламиз.

Утган йили туман ҳокимиятидагилар арзимизни тинглаб, насос ўрнатиб беришни ваъда қилишганди. Аммо, насосдан ҳанузгача дарак йўқ. Ҳозир ҳам сув муаммоси бизни қийнаб келмоқда. Мана, лифтимиз ишламай қолганига ҳам бир ойдан ошди. Тўлоеларни эса улардан фойдаланмасак-да, бир хилда тўлаб келялмаймиз.

Ушбу муаммоларни ижобий ҳал этишда ёрдам берасизлар деган умидда 4-уйда яшовчи бир гуруҳ фуқаролар номидан

М.ҲОШИМОВА

ШИКОЯТ ТАСДИҚЛАНМАДИ, САБАБИ...

Тахририятга шу йил 18 июль кунини Шахрихон шаҳридаги «Намуна» номли 1-ўрта мактабнинг 7-синф ўқувчиси Аббосхон Давроновдан хат келди.

«Мен 1986 йилда туғилганман, — деб ёзди Аббосхон. — Отам Давронов Раҳматхон 1990 йил 1 сентябрда иш вақтида авария бўлиб вафот этган. Биз 4 та фарзанд онам билан қолавердик. Отажоним вафотидан кейин онажоним Шахрихон шаҳар бозорида ўйинчоқлар, сунъий гуллар сотиб бизни боқди. 1996-97 йилларда отам олиб берган уйда алоҳида яшардик. 3-4 марта ўғри тушди. Биз ёш бўлганимиз учун онам кечалари кўрқиб чиқарди. Ниҳоят уйни сотиб, буваимнинг (онасининг) отаси назарда тутилаяпти — Ҳ.Н) маҳалласидан уй олмақчи бўлди. Уйга онамни ўқитган ўқитувчи харидор бўлди ва уйни 450000 сўмга баҳолашди, 4 та гувоҳ олдидан 250000 сўм беришиб, қолган 200000 сўмни уйни бизнинг номимизга ўтказиб берганингиздан сўнг берамиз дейишди. Уй уларнинг номига расмийлаштирилгач, пулни талаб қилсак, 200000 сўмни берганимиз дея бизни судга бердилар. Уч марта суд бўлиб, уй уларга ўтиб, бизни мажбуран уйдан чиқариб юбордилар.

Биз онам билан буваимларни кўчиб бордик. Иккита тоғам 2-3 тадан болалари билан, битта холам битта боласи билан, бувам, бувим — тўртта оила беш хонали уйда қисилиб ўтиришарди. Устига биз ҳам тор жойга бордик. Диққатчилик янада ошди.

Онажоним қишда қорда, баҳорда челақлаб қуйган ёмғир остида очик жойда савдо қилиб, соғлиғини йўқотди. Бунинг устига шу йил 26 майда мен кўкқисдан оғриб, касалхонага тушиб қолдим. Врачлар ревматизм деб айтишди. Бир ярим ой каравотдан туролмай ётдим. Шу орада кунлар қаттиқ исиб, онамнинг ўйинчоқлари эриб, 70-80 минг сўмлик насия товарлари сотувга ярамай қолди. Бир ёқда савдо йўқ, бир ёқда дорига пул йўқ. Онажоним шаҳар ҳокими олдига 6-7 марта кирди. Гапига қулоқ ҳам солмай, «кўрамиз» деб қўя қолибди. Онам буваимни маҳалла фуқаролар йиғинига ёрдам пулига 6-7 марта жўнатса, пул йўқ дейишди...

Бу дунёда отасиз ўқиб ўтаёلمиз. Илтимос, ёрдам бериңлар!»

Иккинчи, Аббосхон мактабда ёзган «ёрдам пули масаласи» ҳақида.

С.Давронова болалари билан отасиникига, яъни «Бувайда» маҳалласига кўчиб келгач, маҳалла фуқаролар йиғинига 1997 йил май ойида моддий ёрдам сўраб ариза ёзган. Комиссия ҳулосасига кўра, унга уч ой, ойига 825 сўмдан, жами 2475 сўм моддий ёрдам кўрсатилган.

1999 йил июнь ойидан 16 ёшгача болалар нафақасини олиш учун ариза берган. Комиссия 6 ой муддатга нафақа тайинлаб, аризачига июнь — ноябрь ойларида жами 13496 сўм нафақа тўланган. Бизда бу ҳақда «Бувайда» маҳалла фуқаролар йиғини раиси Мунаввар Миркомиллова тақдим этган маълумотнома мавжуд.

С.Давронова отасиникига кўчиб келишидан олдин яшаган «Янги ҳаёт» маҳалла фуқаролар йиғини котиби Саидонунали Акбаров берган маълумотномага кўра, С.Давронова 2000 йил 12 март кунини 16 ёшгача болалар нафақасини олиш учун ариза топширган. Комиссия унинг икки боласи учун 6 ой муддатга 1750 сўмдан нафақа тайинлаган. Шундай қилиб, С.Давронова апрель — июль ойлари давомида 7000 сўм нафақа олган. 1 августдан иш ҳақи, пенсия ва нафақалар миқдори 50 фоиз оширилгани боис август — сентябрь ойлари учун 2450 сўмдан нафақа олади. Кўришдики, Аббосхоннинг маҳалла фуқаролар йиғини маълум

рияти ҳақида ёзган аччиқ гаплари тасдиқланмапти. Бунинг устига уларнинг ойига 5300 сўмдан боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олиши, онасининг бозорда савдо қилиши «биз ночормиз» деган гапига шубҳа остига қўяди. Бу билан Аббосхонни буткул ёлғончига чиқариш ниятимиз йўқ. Аниқланишича, С.Давронова болалари Азизбек (1981 йилда туғилган), Авазбек (1983), Аббосхон (1986) ва Ферузахон (1988) билан яшаб турган С.Айнинг кўчасидаги 10-уйда улардан ташқари яна 14 жон истеҳкомат қилар экан. Аббосхоннинг буваси Ортиқали бобо 5359 сўм (2000 йил август ойигача бўлган ҳисоб-китоб бўйича), буваси Дилоромхон момо 4248 сўм пенсия олишини ҳисобга олмаганда, онаси С.Давроновдан ташқари хонадондаги меҳнатга ярокли 8 кишидан биронтаси ҳам ишламапти. Иш сўраб туман ҳокимлигининг Меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоя қилиш бўлимига мурожаат қилмаган. Қолаверса, тоғни урса талқон қиладиган тўрт йигит бўла туриб, ховлидаги иш сотихча ернинг қаровсиз етгани гапоти. Шундай экан, нимаям дердик...

В а ниҳоят, учинчи — энг муҳим масала. С.Давронова ўзи яшаб турган Шахрихон шаҳар Ганиев кўчаси 1-тор кўчадаги 4-хонадонни фуқаро Акмал Аҳлиддиновга сотишга келишди. (А.Аҳлиддинов Аббосхоннинг ха-

тида тилга олинган ўқитувчи Аҳмадхон Аҳлиддиновнинг ўғли — Ҳ.Н). Уйнинг нархи 450000 сўмга баҳолашиб, А.Аҳлиддинов 1997 йил 27 июнь кунини гувоҳлар Хурвай Акбаров, Саидонунали Акбаров, Аҳмадхон Қобилов, Фарид Шафигулин, Мўйдинжон Турдиев ва Нуъмонжон Ганиевлар иштирокида Савлатхон опага 250000 сўм бериб, қолган 200000 сўмининг нотариал ҳаракат амалга оширилганидан сўнг тўлашини айтади. А.Аҳлиддинов кейинчалик июль ойида бир марта 40000, бир марта 60000 ва шу кунини яна 98000 сўм бериб, уйнинг пулини тўлиқ тўлайди. Афсуски, бунда гувоҳлар иштирок этмаган. 1997 йил 1 августда томонлар давлат божини камроқ тўлаш мақсадида уйнинг нархини 160000 сўм деб кўрсатиб, олди-сотди шартномасини нотариал тасдиқдан ўтказди. Шартномада, дейлик, уйнинг эшик-дезалари ёки иситиш қозони-ю батареялари алоҳида-алоҳида баҳолабмаган. Гувоҳлар томонларнинг озгача келишуви жараёнида, пул олди-бердисида ҳам бу ҳақда гап бўлмаганлигини тасдиқлайдилар. Демак, бундан уй бўлганча сотилган деган фикр келиб чиқади. Шартнома имзоланганидан сўнг С.Давронова Аҳлиддиновлардан сентябргача уйда яшаб туришга рухсат сўрайди. Ва вақтинча яшаш жараёнида уйдаги иситиш қозони, 6 та радиаторни кесиб олиб, отасиникига олиб бориб қўяди. Ниҳо мана шундан бошланган.

Шу кунгача 3 марта суд бўлиб, дастлаб Шахрихон шаҳар суди низони С.Давронова фойдасига ҳал қилган. Аҳлиддиновларнинг аризасига кўра ишни қайтадан кўрган Балиқчи туман суди Аҳлиддиновларнинг даъвосини қаноатлантиради. Ишнинг Асака шаҳар суди 1998 йил 2 декабрь кунини учинчи марта, даъвогар А.Аҳлиддиновнинг жавобгар С.Давроновани уйдан кўчириш тўғрисида ва С.Давронованинг олди-сотди шартномасини бекор қилиш ҳақидаги қарши даъвоси бўйича кўриб чиқади. Суд Аҳлиддиновларнинг даъвосини қаноатлантириб, С.Давронованинг даъвосини рад этди.

Гап 200000 сўм ҳақида кетар экан, биз билан суҳбатда бир томон берганини, бир томон олмаганини таъкидлади. ФПКнинг 57-моддасига кўра ҳар бир тараф ўзининг талаб ёки эътирозларига асос қилиб кўрсатган ҳолатларни исботлаши шарт. А.Аҳлиддиновда шундай далил мавжуд. У иситиш батареялари билан боғлиқ С.Давронова билан суҳбатини «аудио-кассадга» ёзиб олган. Суҳбатда С.Давронова А.Аҳлиддиновга қарата агар иситиш батареяларини олиб кетишга қаршилик қилса ёки улар учун алоҳида пул тўлама-са, олган 200000 сўмни тан олмаслигини гапирган...

Дарвоқе, С.Давронова 1999 йил

16 декабрь кунини Асака шаҳар судининг ҳал қилув қарори устидан Андижон вилоят судининг фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатига кассация шикоятини ёзганини, лекин шикоятни ҳануз кўриб чиқилмаганини айтди. Аммо С.Давронова бизга бир гапни, шикоятни кўриб чиқиши учун бюджетга иш иккинчи инстанцияда кўрилатганида унинг олди-сотди баҳосидан 10 фоизининг ярмини — 22500 сўмни тўламаганлигини айтмаган экан.

Тахририятимиз ҳар кунини ўқувчилардан ўнга яқин хат олади. Аксарияти шикоятлар. Ҳар бир хат ортида бир инсон турганлиги ҳисобга олиниб, лозим топилган маълумот газетада эълон қилинади. Чоп этилмаганлари эса текшириш учун тегишли идораларга жўнатилади. Олинган жавобларнинг айримларида шикоятда келтирилган ваҳлар тасдиқланмаганини ўқиб, вилоятларда қонунбузилиш ҳолатлари ҳаддан зиёд кўпайиб кетаяпти деган дастлабки маълумот таасиротимиз ойдинлашади. Газетада бир неча марта ёзишимизга қарамай бу ҳолат ҳамон давом этапти. Тасдиқланмаган шикоятни текширишга кетган вақтга (!), бир-икки ходимнинг овозгарчилигига ачинасан киши...

Мақоладаги айрим гаплар онанларга оғир ботиши мумкин. Начора... Одамлар ҳавас қилади-ган катта йигит бўлишга тиллақдошман. Ушанда ҳамма гапга ўзинг тушунсан.

Мақоладаги айрим гаплар онанларга оғир ботиши мумкин. Начора... Одамлар ҳавас қилади-ган катта йигит бўлишга тиллақдошман. Ушанда ҳамма гапга ўзинг тушунсан.

Мақоладаги айрим гаплар онанларга оғир ботиши мумкин. Начора... Одамлар ҳавас қилади-ган катта йигит бўлишга тиллақдошман. Ушанда ҳамма гапга ўзинг тушунсан.

Мақоладаги айрим гаплар онанларга оғир ботиши мумкин. Начора... Одамлар ҳавас қилади-ган катта йигит бўлишга тиллақдошман. Ушанда ҳамма гапга ўзинг тушунсан.

Ҳасан НИШОНОВ,
«Хуқук» мухбири

ҚИЛИМШ-ҚИДИРМИШ

Хаёт-инсонга Оллоҳ томонидан берилган бебаҳо неъмат. Аммо бу неъматнинг қадрига ҳамма ҳам етатмас экан. Руҳи соғлом, акли бутун инсон умрини ҳар лаҳзасини эзгу ва савоб ишларга сарф этиб, бундан бекиёс завқу сурур туйди. Яратганга беҳисоб шукроналар айтиб яшайди. Лекин, афсуски, хаётни қадрлаш у ёқда турсин, имкон туғилса, унинг ҳар бир дақиқасини қабихликка буркайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Уларни ҳеч иккиланмай, қабоҳат бандалари дейиш мумкин.

ҚАБОҲАТ БАНДАСИ

Қўқонлик Тоҳир Бобоев (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ҳам ана шундайлар сирасидан чиқиб қолди. Эндигина 23 ёшга тўлган бу йигит ўзининг гўлдек умрини жирканч ва ярамас ишлар елига совириб, ҳазон қилди.

Дастлаб у 1997 йил қинғир қилмиш учун Фарғона вилоят суди томонидан бир йилу олти ойга озодликдан маҳрум этилди.

Халқимизда «Кўр ҳассасини бир марта йўқотди» деган гап бор. Бирок Тоҳирнинг кўзи эмас, қалби ҳам кўр эди. Шу боис у бир марта қоқилиб, пешонаси ғурра бўлганидан кейин ҳам тегишли хулоса чиқариб олмади. У ҳеч қаярда ишламас, умрини кўча-қўйда ўтказар, қўпична уйига маст ҳолда қайтар эди.

Қабихлик ҳам ўргинчак тўридек чирмашиб оладиган бир бало экан. Бир чирмашдими, аста - секин домига тортиб кетавераркан.

Тоҳирнинг отаси Шокир ака эътибор бериб қараса, уйдан ҳар кунни нимадир йўқолиб қолаётгандек. Суриштириб билса, ана шу ўғли ўғирлаб, кимларгадир пуллар экан. Дарғазаб бўлган ота безори ўғлини қаттиқ уришди: «Энди бу уйда қорангини кўрсатма», шунча шарманда қилганинг етмагандек яна ўз уйингда ўғрилиқ ҳам қилпасанми, номард! Йўқол, бу ердан!»

Шундан сўнг Тоҳир уйга фақат отаси йўқ пайтларда келарди. 1999 йилнинг январь ойи бошларида у отаси йўқлигидан фойдаланиб, маст ҳолда уйга кириб келади. Ховлида унинг ўғай синглиси Мастура ёлғиз ўзи ўтирар эди. У отаси, укаси, укасининг хотини, хуллас, барча оила аъзолари қаёққа кетгани ҳақида бир қўр сўраб-суриштирди-да, эндигина 12 ёшга тўлган қизча чиндан ҳам ёлғиз эканига тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Шундан кейин у айтишга тил ҳам бормайдиган қабихликни амалга оширишга киришди: Мастуранинг хийла ва алдов билан ўз ётоқхонасига қаққиб, уни зўрламқоч бўлди. Маст ҳолатдаги «ака»нинг бундай ваҳшийлигидан даҳшатга тушган қизча бақирмоқчи бўлганда, уни «овозингни чикарсанг ўлдирман!» деб қўрқитади.

Одамлик шазини бўлғайдиган бундай разиллик яна ташкорланарди.

Бу ярамас воқеа узоқ вақтгача номаълум қолиши мумкин эди. Лекин қинғир ишнинг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам аён бўлади, деганларидек, қабихликнинг изи барибир кўриниб қолди. Мастуранинг ўзига қолса бу сирни ҳеч кимга ҳеч қачон айтмаган бўларди. Чунки «ака» «Бировга айтгудек бўлсанг, бошингни оламан» деб қўрқитган эди.

Ҳаммаси Мастуранинг вужудида пайдо бўлган касалликдан бошланди. Қўтилмаганда унинг бутун бадани қичишиб оғриди. У бу ҳақда келинойсига ёрлиди. Келинойсини уни дарҳол шифокорга олиб боради. Гинеколог шифокор унинг заҳм касаллигига чалинганини маълум қилади. 12 яшар қизалоқнинг бундай дардга чалиниши - ақл бовар қилмайдиган гап эди. Шунинг учун шифокорлар воқеанинг сабабини синчиклаб сўраб-суриштиришди. Мастура «ака»сининг қилган қинғирликларини айтиб беришга мажбур бўлади. Кейин аниқланишича, оққадар «ака» бузуқ аёллар билан алоқа қилиб юргани учун заҳм касаллигини ортириб олган экан.

Ҳа, одамзотнинг йўлдан озиб кетиши жуда осон. Ота-она, оғайни-қариндошлар, маҳалла-қўй шунинг учун ҳам керак: зарур фурсатда суяб, тўғри йўлга солади. Лекин Тоҳирдек ҳайвоний ҳирсга берилиб, маънан тубанлашиб кетган ёвуз ва ярамас кимсаларга ота-онанинг сўзи ҳам, қариндош-уруғларнинг насиҳати ҳам қўр қилмай қолар экан. Уларни фақат қонун кучи билан жилавлал, ақлини қиритиш мумкин.

Фарғона вилоят судида ушбу жиноят иши кўриб чиқилди ва Тоҳир Бобоевга тегишли жазо тайинланди.

Жиноятчи-ку, жазосини тоғди. Лекин унинг қора қилмиши тоза ва мўсаффо қалбларни анча-мунча ларзага солиб туради. Бизнинг табарруқ ва муборак туپроғимизда, шундай саховатли ва заҳматкаш халқимиз орасида бундай нонқўр, беномус ва беор кимсалар қаердан пайдо бўлмоқда? Бу ҳақда барчамиз яна бир бор ўйлаб қўришимиз керакки, токи инсонлик шазнига, ўзбек номига доғ туширадиган бундай қабихликлар сира ҳам қайтарилмасин.

Авазжон ЙИГЎТЛИЕВ,
Қўқон шаҳар прокурори ўринбосари

ОҒРИҚ

«Ширк» этган овоз эшитилди-ю қўллари кишанланди қолди. Шокир бақириб юборди. Ичига қимдир кerosин селиб гўғурт чаққандай туюлди. Бу яна нима қўғулик?! Ўз фожиаси каммиди, кўриб юрганлари озмиди... Ношукур... Нешукур... Шокир ўз ўзидан ижирганиб кетди. Ҳаммасига ўзи айбдор, ўзи... Дунё фақат хўрсандчиликдангина иборат эмаслигини, инсон гоҳ-гоҳ азоб чекишга, қийналишга маҳкум қилинишини нега аввалроқ ўйламади?! Бошига ҳам келса ўзини тўрт томонга отди. Нега мен ҳам чекишим керак, бошқалар нега шод деган саволлар вужудини тирнайверди. Бошқаларнинг ҳам ўзига яраша дарди борлигини, фақат сабр-бардош, матонат билан дардини енгишларини тушунишни истамади. Дўстлари «қўявер, ҳаммаси ўтиб кетади» дейишса итдай қопти. «Гапириш осон, сенинг ҳам бошинга тушсаиди, кўрардим...» Ўз илдизига ўзи болта ўрди. Бунинг энди-энди тушунапти. Аммо энди наф бормикин... Ўзи-ку, нима бўлса бўлар, болалари-чи... Эҳ...



ҲАЗОНГА ҚОРИЛГАН ҲАЁТ

Қамқоҳона эшигидан ичкари кираар экан, кўз олди тиниб кетди, боши айланди. Энди мана шу зимистонда ун саккиз йил яшайди... Ун саккиз йил. Ким билсин уни нимадир кутаяпти... Нима етишмас эди унга... Бечора болалари... Уларда нима гуноҳ... Бечораларни қандай азобларга гирифтор қилди... Берган азоблари етмагандай, энди бир умр тана-у маломатлар остида яшашга маҳкум қилди... Ох... Болалари тўғри йўлга тушиб кетишсин, ишқилиб...

Хотини билан ораларига оламушук қачон оралади, эсида йўқ. Назариди қачонларидир бир-бирларини қаттиқ ҳурмат қилишарди. Базиди учраб қоладиган етишмовчиликлар уларни соғува бошларди. Бирининг гапи бериға ёқмайдиган, «сен кету мен кет»га тушадиган бўлишди. Бир-бирларидан кўнгли қолиб юрганларида дард устига чиққанда уйлари ёниб кетди. Уйга қўшилиб бахту омадларига ҳам ўт кетди гўё. У квартирадан бунисига, бунисидан бошқасига кўчиб юришди.

— Худо урган одамсан, иплоссан, — қичқирарди Зулайхо бир гал кўнчишганларида. — Нима гуноҳим бор эдики, сенингдай бадбахтга дуч келдим.

— Йўқол, — бақирди Шокир бир гал ўзини тутолмай. — Бор, бахтисини топ, кўзингга кўринмай даф бўл.

Зулайхо икки боласини олиб кетиб қолди. Катта ўғли иккаласи қолишди.

Ўғли тез-тез хархаша қилиб турарди.

— Онамни соғиндим, келинг, уларни олиб келайлик, укаларим-сиз ҳечам яшолмаяпман...

— Озгина пул жамғариб, уй олайлик, кейин уларни олиб келамиз, бахтли бўламиз, — ўғлини овуларди Шокир.

— Ота, мен мактабга бормайман, — деб қолди ўғли бир гал.

— Нера, болам, — ҳайрон бўлди

Шокир.

— Ахир тезроқ пул топишимиз керак-ку, онамни, укаларимни олиб келишимиз учун — Шавкат пиқиллаб йилғашга тушди. — Мен қандай иш бўлса ҳам бажаришга тайёрман.

Шокирнинг ўғлига ичи ачиди. Қандай қилиб бўлмасин пул топиш, тезроқ муаммоларга чек қўйиш керак. Ўғли иккаласи саксовул кесиб сота бошлашди. Ўғлининг соғудда дир-дир титраб саксовул чопаетганини кўрганда бағри тилка-пора бўлиб кетарди. «Қандай бадбахт отаман мен» дея ҳаёлидан ўтказарди. Ўғли миқ этмас, уришса ҳам, урса ҳам бошини ҳам қилиб тураверар, қайтанга «Ота, ҳали ҳаммаси яхши бўлиб кетади, мана кўрасиз» деб уни овутиб кўярди. Ҳар гал саксовулни сотиб бўлишган, «Энди уй олишимизга оз қолди-а, ота», дерди қувониб. «Ота, укаларимга совға олиб бораёлик», деб қоларди тез-тез. Унинг қистови билан хотини ва болаларини яна олиб келди. Аммо бор - йўғи бир ҳафтагина инок яшадилар, холос. Шокир Зулайхо яна кетиб қолди. Кичкина икки болани болалар уйига жойлашди...

...Шокирнинг томоғига нимадир тикилгандай бўлди. «Ох, Зулайхо, Зулайхо... Нера биз Шавкатчилик иродали, бардошли, меҳр-оқибатли бўлмамдик. Иккаламиз бир-биримизни тушунганимизда, сунганимизда бу кунлар йўқ эди-ку...»

Кейин ўша машум кунга ҳам етиб келишди... Ўша воқеани эсласа онаси айтиб берган шароб ичиб жиноят қилган йигит ҳақидаги ривоят эсига тушаверади...

Ҳаддан ташқари кўп арок ичиб юборган эди-да, ўзим... Олдин ҳеч бундай бўкиб ичганини эсломайдим... Шу йўл билан ўзини овутомқчи бўлувди... 2000 йилнинг 8 феврални эди... Кишининг соғуғи баданини тешиб ўтар, юраги сиқилар, вужуди қақшарди. Тонг қоронғусидан саксовул терилиши. Бозорлари қаққон бўлди, бир харидор уч ярим минг сўм бериб, саксовулни олиб кетди.

— Ота, укамларга этик оламиз-а, — Шавкатнинг овози асабларини бузди.

— Намунча, укаларим, укаларим дейсан. Укаларинг шаҳар оберишармиди менга? Ўзим учун ҳам яшашим керак-ку, ахир.

Шокир шундай деб ўғлини судраб Нукуснинг «Светлана» бозорига борди. Бир ичиб ҳумордан чиққиси келди. У ерининг ўзига улфат ҳам топила қолди. «Аёллар билан ичганга не етсин» — қувониб кетди Шокир унга кўзи тушганда. Аёл чакқонгина экан, бир шишани бўшатишган, танишиникига меҳмонга олиб борди. У ерда ҳам маишат давом этди. Ичган сайин иштаҳа очиларверди. Шишадошлари ичида Гавҳар дегани ўзига тортаверди. Уни олиб Қўшқўлдаги квартирасига келди. Хўрсандчиликлари узоқ давом этмади.

— А, сен анави Зулайхонинг эримисан, — деб қолди Гавҳар. — Э, у фирт фохиша-ку...

Бу гап Шокирнинг нафсониятига тегди. Чарчаган асаблари бутунлай ишдан қикди. Хозиргина ўзи энг ширин сўзларни ҳадя қилиб ўтирган Гавҳарни... болта билан чапиб ташлади... Жасадни аравага ортиб овлос жойга кўмиб қолди. Ўша кунни эсласа юраги уйнайди. Энди қаерга қочаман, қимдан қочаман деб кўп ўйлагандай ўшанда. Қачон қўлга тушади-ю, қачон қамалади. Ўғли ҳам жазоси берилишини жуда-жуда истагандай ўшанда. Ҳалигача саволлар бўрондай лашкар тортиб келаверишди. Уларга жавоб қайтаришнинг ҳам, қочиб қутулишнинг ҳам илоҳи йўқ.

Қамқоҳона деворига сунганича, Шокирнинг ҳайкиргиси, одамларга ёлворгиси келди: «Кўзингизни очинг, атрофга яхши ният, эзгу фикр билан боқинг, гуноҳдан тийил-линг, умрингиз меникидай ҳазонга айланмасин...»

Нукуслик Шокирнинг пушаймонига ҳам сабоқ бўлсин.

Мухаббат ТЎРАБОВЕВА

КРИМИНАЛ

МЎЪЖИЗА РЎЙ БЕРМАДИ

Жанубий Африканинг Хаутенг вилояти таркибига кирувчи чоғроқ Спруитвё шаҳарчасида дабдабали «Миракл (Мўъжиза)» - 2000» номли янги жамғарма дунё юзини қўриши билан унинг миқозлари сони кун сайин эмас, соат сайин ортиб борди.

«Пул фабрикаси» ва унинг директори Сибусисо Радебе тўғрисидаги мишмишлар мамлакат бўйлаб яшн тезлигида тарқалди. Жамғарма офиси олдида «Мўъжиза»нинг акциядор бўлиш ишқиди ёнганлар турнақатор бўлиб навбатга туришди. Тўловнинг озлигини айтмайсизми — атиги 50 рандов (8 доллар)! Бунинг эвазига акциядор жамғармага исталган миқдорда пул қўйиш (лекин камида 300 рандов) ҳуқуқини берувчи рўйхатга олинган

сертификатни қўлга киритарди. Орадан 42 кун ўтгач, пулни 200 фоиз фойдаси билан қайтариб оларди. Бир кунда бор-йўш 300 та сертификат тарқатилиши кўпчилигининг сабр қосасини тошириб юборди. Тўғри, ҳокимият доиралари аҳолини қалтис таваккал қилаётганликларидан огоҳлантиришди, савдо вазир эса тўғридан-тўғри «Миракл»ни молиявий эҳром, деб таърифлади. Ва, у хато қилмади. Орадан бир неча ой ўтгач, ЖАРнинг Захира

банки жамғарма раҳбарлари молия ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги қонунга амал қилмаётганлигини маълум қилишди. Эрта тонгда эса уюшган жиноятчиликка қарши кураш олиб берувчи полиция бўлимаси «Миракл» офисига ёпирилиб кирди. Полициячилар бу ерда уюлиб ётган пул таҳмачларига дуч келишди. Уларнинг олдида яна бир қийин вазифа қўндаланг бўлди. Шу дақиқаларда офис олдида нарозилик намойишига тўпланган

жамғарма акциядорларини ҳовуридан тушириш керак эди. Ҳаммаёқни «Бизга яшашга имкон берган Сибусисо Радебени таъкиб қилишни тўхтатинг. Наркобаронларни қамқоққа олинг», бой бўлишимизга ҳалал берманг!» деган плакатлар босиб кетган эди. Бирок бу полициячиларни қўчута олмади. Радебе фирибагрик, ўғирлик ва молия ташкилотлари фаолияти тўғрисидаги қонунни бузганлиқда айбланиб судга берилди.

ХУКУКИЙ

Маслаҳатхона

САВОЛЛАР ЖАВОБЛАР

Акционерлик жамиятларида олинган фойда акциядорларга биринчи навбатда тўланиб, ундан қолган қисми бошқа мажбурий тўловларга сарфланадими ёки бу аксичами?

О.ФОЗИЛОВА,
Андижон вилояти

Акционерлик жамиятининг ўз фаолияти давомида олган соф фойдаси амалдаги қонунларда белгиланган тартибда солиқ ва бюджет тўловлари тўлангандан сўнг, акциядорлар ўртасида тақсимланади.

Соф фойданинг дивидендлар тўлашга кетадиган миқдори ҳар йили акционерларнинг умумий йиғилиши томонидан белгиланади. Дивидендлар эса ҳар бир акциядорнинг қўлидаги акцияларнинг номинал қийматига мутаносиб равишда бўлинади.

Кимошди савдоси унинг ташкилотчиси томонидан бекор қилиниши ва тузилган шартнома ҳақиқий эмас деб топилиши мумкинми?

М.РАСУЛОВ,
Фарғона вилояти

Кимошди савдоси ҳақиқий эмас, деб фақат судлар томонидан топилиши мумкин.

Қонунда белгиланган қондалар бузиб ўтказилган кимошди савдосини ҳақиқий эмас деб топишни сураб манфаатдор шахс судга мурожаат этиши лозим. Агар суд кимошди савдосини ҳақиқий эмас, деб топса унда, тузилган шартномалар ҳам ўз навбатида бекор бўлади.

Мен бир жиноят иши юзасидан гувоҳ сифатида қатнашган эдим. Дастлабки терговга мени ҳам бир неча бор чақиртирди. Охирги марта борганимда тузилган кейин бўлганлиги сабабли кеч туғайди ва мен уйга кетолмай шаҳар меҳмонхонасида қолишимга тўғри келди. Чунки тергов органи мен яшайдиган жойдан анча узоқда жойлашган, бунинг устиде транспорт масаласи қийинроқ.

Кизиқтираётган масала шуки, мен ва менга ўхшаш гувоҳ бўлган шахсларнинг жиноят иши бўйича келиб қетиши ва бошқа харажатлари бирон бир тарзда қоплатиши керакми? Ёки булар гувоҳнинг ўз ҳисобидан бўладими?

М. КОДИРОВ, Тошкент вилояти

Албатта қоплатиши керак. Бу «Гувоҳлар, жабрланувчилар, экспертлар, мутахассислар, таржимонлар ва ҳолисларнинг қилган харажатларини тўлаш тартиби ва миқдорлари тўғрисида»ги қонун талаблари асосида амалга оширилади. Унга мувофиқ суриштирув органи, терговчи, прокурор ҳузурига чақириладиган гувоҳлар, жабрланувчилар ва бошқа шахслар ўз турар жойидан шу чақирилган ерга келиши ва бу ердан қайтиб кетиши, шунингдек, шу чақирилган жойда бир суткадан ортиқ туриши лозим бўлганда турар жойини ижарага олиш учун қилинган харажатлари корхоналар, муассасалар

Агар тузилган боланинг онаси бир давлатнинг, отаси эса бошқа давлат фуқароси бўлса, унда боланинг фуқаролиги қандай бўлади?

Н.КИРИЛОВА,
Тошкент шаҳри

—Агар бола Ўзбекистон ҳудудига туғилган бўлса;

- агар у Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида туғилган бўлса-ю, ота-онаси ёки улардан бири шу вақтда Ўзбекистон Республикасида доимий яшаш жойига эга бўлса, ота-онасининг фуқаролиги ҳар хил бўлиб, улардан биттаси бола туғилган пайтда Ўзбекистон фуқароси бўлса, бола Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Ота-онадан бири Ўзбекистон фуқароси бўлса, бола туғилган пайтда улар Ўзбекистондан ташқарида доимий истиқомат жойига эга бўлса, Ўзбекистондан ташқарида туғилган боланинг фуқаролиги ота-онанинг ёзма равишдаги келишуви билан белгиланади.

Ота-онасидан бири бола туғилган пайтда Ўзбекистон фуқароси бўлган, иккинчиси эса фуқаролиги йўқ шахс бўлган ёки номалум бўлган тақдирда бола қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар у Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Фуқаролиги бўлмаган онадан туғилган боланинг оталиги белгиланмагандан, агар ота Ўзбекистон фуқароси бўлса ўн ўрт ёшга тулган бола қаерда туғилган бўлишидан қатъий назар Ўзбекистон фуқароси саналади.

1993 йили давлат иштирадаги корхонани биз, яъни шу корхона ишчилари хусусийлаштириб, жамоа корхонасига айлантирган эдик. Ҳар бир ишчи корхонани хусусийлаштиришга имконияти даражасида ўз улушини қўйди. Ишларимиз янада юришиб катта фойда билан олти йил ишладик. Лекин 1999 йилдан бошлаб айрим сабабларга қўра ишчилар орқага кетиб, корхона тугатилишига олиб келди. Айни пайтда эса биз томонимиздан қўшилган ҳисса асосида орттирилган мол-мулклар қарзларга тўланмоқда. Айтинг-чи, бизнинг қўшган ҳиссамиз қарз ҳисобига кириб кетиб, биз қуйиб қолаверамизми? Бизда нима айб?

Ф.ИКРОМОВ
Тошкент шаҳри

Агар корхонанинг тугатилишига олиб келган асосий сабаб — ҳосил бўлган қарзлар бўлса, демек корхона ўз фаолияти давомида фойда ҳисобидан (агар у мавжуд бўлса) қарзларни қоплай олмай қолган. Бундай ночор аҳволга тушиб қолмишда жамоанинг ўзига ҳос улushi бор. Чунки бундай корхонани ривожлантириш, шунингдек аяниқ аҳволга тушиши жамоа меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқдир.

Корхона тугатилгандаги ҳодимларнинг ҳиссаси эса, бюджет билан ва бошқа қарзлар тўлиқ ҳисоб-китоб қилингандан сўнг қолган мол-мулкдан ҳодимнинг шу корхона фаолиятига қўшган улуши, меҳнати билан иштирок этганига қараб тўланади.

ва ташкилотларнинг ҳодимларига хизмат сафарига бориш ва қайтиш харажатларини қоплаш учун белгиланган тартибда тўланади, деб кўрсатиб ўтилган.

Ушбу қонунда кўрсатилган барча пуллар чақирувчи орган томонидан: жиноят ишлари бўйича сметага кўра махсус ажратиладиган маблағлар ҳисобидан, фуқаролик ишлари бўйича эса тарафлар томонидан бериладиган пуллар ҳисобидан тўланади, тарафлар иш юзасидан қилинадиган харажатларини тўлашдан озод этилган ҳолларда, харажатлар смета бўйича ажратиладиган маблағлар ҳисобидан тўланади.

Бизнинг корхона бошқа корхона билан товар етказиб бериш тўғрисида ўзаро манфаатли шартнома имзолаган эдик. Унга асосан биз олинадиган маҳсулот учун ҳақни, у корхона эса ҳақ эвазига маҳсулотни ўз вақтида бериши лозим эди. Лекин ўз автомашинамиз бўлмаганлиги сабабли шахрмидеги автокорхоналардан бири билан юк ташиш тўғрисида шартнома тўддик. Алмо бу автокорхона автомашинани ўз вақтида етказиб бермади, орадан бир ой ўтиб кетди, натижада эса маҳсулот етказиб берадиган ташкилот маҳсулотни келишилган вақтда олмаганимиз ва бу билан шартнома шартларини бузганимиз, унинг устиде ўтган вақт мобайнида нархлар ошиб кетди, агар маҳсулотни олмоқчи бўлсангиз қўшимча ҳақ тўлана, деб айтди. Бунинг оқибатида корхонамиз зарар кўрди, пулимиз эса ўша пайтдаги қийматини йўқотди. Ушбу ҳолатда нима қилиш керак?

М.ЧОРИЕВ
Хоразм вилояти

Юк ташиш тўғрисида ташувчи корхона билан шартнома имзоланган бўлса, лекин ташувчи шартнома шартларига мувофиқ юк ташиш учун автотранспорт воситасини бермаса ёки ўз вақтида бермаса, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади. Агар томонлар ўртасида маъзур масала юзасидан ўзаро келишувга эришилмаса, унда бунинг суд орқали ҳал этиш лозим.

Автотранспортни бермаслик ёки ўз вақтида бермаслик енгиб бўлмас куч (табиий офат), ҳарбий ҳаракатлар, муайян йўналишда юк ташиш тўхтатиб қўйилганлиги ёки чеклаб қўйилганлиги оқибатида келиб чиққан бўлса, ташувчи бундай ҳолатда жавобгарликдан озод қилинади.

Жавобларни Доннёр ХАЛИЛОВ тайёрлади.

МЕНИНГ НАФСДИН БАЛОДУР...

ЕГАН ОҒИЗ УЯЛМАС ЭКАН...

Қаерда инсоф, диёнат кўтарилса, ўша ерда ўзгалар ҳақиқа кўз олайтириш юзага келади, фойз-барака кўтарилди. Нопок ишлар авж олади.

Пайариқ туманидаги «Сохибкор» жамоа ҳўжалиги ўз қозонини ўзи кайнатиб юрган ҳўжаликлардан бири ҳисобланади. 1997 йилининг ёзида Ғулом Ҳолбоев жамоага бош ҳисобчи этиб тайинланди-ю, катта бир ҳўжалик иши орқага кета бошлади.

Аслида ҳўжалик ҳазинасининг асосий қосбони, яъни барча кириш ва чиқимлар учун масъул ҳисобланган шахс жамоа мулкнинг ҳар бир тийинини ҳисоб-китоб қилиб, ўз ўрнида ишлатиш ўрнига маблағларни шахсий манфаатларини қондиришга йўналтирди. Бу ишга жамоа ҳўжалиги бошқаруви раисидан тортиб қатор масъул шахсларни ҳам жалб қила билди.

Орадан кўп ўтмай, жамоа ҳўжалиги бошқаруви раиси, унинг ўринбосари, туман матбуот жамиятига қарашли «Дўстлик» ҳўжалик ҳисобидидаги дўкон мудири, ҳўжалик марказий омбори мудири, «Наргиза» ишлаб чиқариш корхонаси директори ҳамда цех бошлиқлари бош ҳисобчи қонасидан чиқолмайдиган ҳолатга тушиб қолдилар.

Кўлини совуқ сувга ўрмай, текин пул топилишини ҳадисини олган Ғулом Ҳолбоев ишни тумандаги «Райкооп Маркент» ташкилотидан 180000 сўмлик пивэ олиш тўғрисида 5-сонли қалбаки ишонч қрози тайёрлашдан бошлади. Ҳўжатга жамоа ҳўжалиги раҳбарининг имзосини ҳам жимжимадор қилиб ўз қўли билан қўйди. Омбор мудирининг эса ана шунча миқдордаги маҳсулотни қабул қилиб олганлиги тўғрисидаги нақладойини олганини ўзи тўлдириб, имзо деган жойига ҳеч кимни безовта қилмай ўзи «бармоқ босиб» қўя қолди. Қарабсизки, нақд 180000 минг сўм бош ҳисобчи қўлига келиб тушди. Албатта, бу маблағни бир ўзи ҳазм қилгани йўқ. Катта пул эмасми, раисни ҳам, омборчини ҳам «рози» қилди.

Еган оғиз уялар экан. Орадан кўп ўтмай ҳудди шу усулда омбор мудирига тегишли ҳўжат тайёрлаб бериб, «Райкооп Маркент»дан 84 минг сўмлик қарточка «қарид» қилди. Бу уйинга «Райкооп Маркент» омбор мудири ҳам «аралашиб» қолди.

Хуллас, Ҳолбоев операцияси аста-секин йириклаша бошлади. Қалбаки ҳўжатлар асосида турли корхоналардан товар олиш ва уни ҳўжаликка кириш қилмасликнинг ҳадисини олган бош ҳисобчи атрофдаги гунашталари раисини ҳам кенгайтира борди. Шериклари ҳам ҳудди унинг ўзидек чиқиди ва бирортаси «хўй биродар, жиноятга кўп уярагимиз-ку, эртага бунинг жавобини ким бериб?», деб лоқал сураб ҳам қўймади.

Ғулом Ҳолбоевга эса айнан мана шундай шериклар керак эди. «Дўстлик» ҳўжалик ҳисобидидаги магазин директори ҳам айни Ҳолбоев боп раҳбар чиқиб қолди. Жамоати 219943 сўмлик маҳсулот олиш ҳақида қалбаки ҳўжатлар тайёрлаб келганида сира икхиланиб ўтирмай саҳий бош ҳисобчига нақд 200000 минг сўми санаб беради. Ҳолбоев уни қуруқ қўймади, албатта. 19943 сўми хизмати эвазига тортиқ қилди.

Шу тарика Ҳолбоев «фаолияти» ҳар томонлама кенгай бошлади ва икки йил ичида у билан самарали ҳамкорлик қилганлар сони ҳам анча-мунча бўлиб қолди. Натижада, фақат 1998 йилининг ўзидаёқ Ҳолбоев ва унинг ҳамтововлари 12 марта катта-кичик «операция»ни амалга оширдилар ва жуда катта миқдордаги жамоа мулкни ўзлаштириб юбордилар.

Туман прокуратураси Ҳолбоев ва унинг шериклари кирдиқорларини, пайзаб, улар фаолиятига нукта қўйди. Бугун уларнинг бошлари эгик. Айбларини бўйинига олиб, тавба-тазару қилмоқдалар. Аммо энди кеч, жиноят жазосиз қолмайди.

Фахриддин ЖУМАЕВ,
Пайариқ тумани прокурори

СУҒ СЕНГА!

МИС ЎҒРИЛАРИ

«Бошингга не баёо келса, сабабини ўзиндан изла», дейди машойиқлар. Чиндан ҳам шундай. Яхши бўлиб халқнинг ҳўрмат-эътиборини қозонши ёки ёмон бўлиб ланзат эшитиш ҳам инсоннинг ўзига боғлиқ.

Лаянатга учрайдиган инсонлар ҳалол меҳнат қилиш ўрнига ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш билан кўн қўрадилар. Олмалик тоғ-металлургия комбинатининг мис эритиш заводида шундай бир воқеалар бўлиб ўтдики, бу воқеаларнинг иштирокчиларини ана шундайлар қаторига қўйиш мумкин.

Булар қуйидагилардир: С.Туронов шу заводда бригадир, У.Назаров, Ҳ.Тожибоев, Н.Александрова қоровул бўлиб ишлайдилар.

Воқеа 1999 йил сентябрь ойида бўлди. Заводнинг бригадир С.Туронов қоровул Назаров ва ҳеч жойда ишламаган Бобоев билан тил бириктириб, оғирлиги 770 кг бўлган, умумий нархи 185686 сўмлик қатодли мисларни ташқарига олиб чиқиб кетишган.

1999 йил 1 октябрь куни эса шу заводда ишлаб келган Трушков, Туронов, Назаров, Бобоев, Тожибоев ва Ҳолбоевлар билан жиноий тил бириктириб, Назаров турган 47-сонли пост орқали Ҳолбоев омбордан олинган оғирлиги 1500 кг. умумий нархи 356329 сўмлик қатодли мисни юк-

лаб олиб чиқиб кетишди.

Улар мисни сотиб, пулларни ўзаро бўлиб олишган. Мўмай пулга мазохўрлар бўлиб мисфурушлар 4 октябрда яна жиноятга қўл уришди. Бу сафар улар 1199642 сўмлик рангли металлани завод ҳудудидан ўғирлаб чиқишди. Шундай қилиб ҳаром йўл билан пул топишни ўзига қасб қилиб олган шововозлар жами 1739599 сўмлик рангли металлани талон-тарож қилишди.

Н.Александрова ҳам қилишларини ўз вазифасига берафқ муносабатда бўлиши жиноятчиларга жуда қўл келган. Бундай дейишимизга сабаб, айнан Н.Александрова ўз вазифасига виқдорсаналарча муносабатда бўлиб, постни вақтинчалик ташлаб кетган пайтда Бобоев ва Туроновлар нархи 183628 сўмлик мисни ўмариб кетишган.

Лекин шаҳар бедареоза эмас деганларидий, уларнинг ҳам «фаолият»ларига нукта қўйилди. Жиноят жазосиз қолмади. Аждорлар ўз жазоларини олдилар. Энди жиноятчиларнинг ҳар бири 9 йилдан 12 йилгача умрини панжара ортида ўтказадиган бўлди.

Музаффар МАҲАММАДЖОНОВ,
Республика прокуратураси
Ички ишлар идораларида тергов ва суриштирувни назорат қилиш бошқармаси катта прокурори

Internet ХАБАРЛАРИ

Бразилия қамқоналаридан бирида сақланаётган маҳбуслардан 28 нафари ўзлари томонидан қазилган лаҳм орқали қочишга муваффақ бўлган. Шундан сўнг маҳбуслар ўғирланган автомобиль орқали воқеа жойидан яширинадилар. Ҳозирча қочқорлардан фақат уч нафари полиция томонидан қўлган олинди, деб хабар беради ABCNews ахборот агентлиги.

Грузия прокуратураси томонидан ҳалқаро Қизил Хоч жамияти ходимларидан уч нафари ўғирлашни юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Ўғирланганлардан бири, Франция фуқароси Софи Прокофьев бир неча ойлardan буён мамлакатда фаолият кўрсатиб келаятган ва маҳаллий аҳоли билан яхши муносабатда бўлиб келган. Айни пайтда қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

НАТОнинг Еврокорпус буйича қўмондони даниялик генерал Генрик Экманн куппа-кундуз кўни Польшанинг Щецин шаҳар қўчаларидан бирида талончиллик жабрини кўрган. Корпус штаби жойлашган ушбу шаҳар бўйлаб сайр қилиб юрган вақтида унинг орқа томонидан келаятган икки номалум шахс тўсатдан унга ташланадилар. Улардан бири унинг бўйиндан буги олган, иккинчиси эса ҳужжатлар ва 1600 злот (1000 \$ га яқин) пул солинган ҳаммини қўлидан олиб қўйган. Бу «операция» қўз очиб юмғунча содир бўлади ва қароқчилар шу оннинг ўзида жуфтакни ростлаб қолади.

Тасдиқланган маълумотларга қараганда, Honda корпорацияси (Япония)нинг Америка бўлими учун июль рекорд ойи бўлди. Мазкур ойда Америка бозорларидан машҳур компаниянинг автомобилларига бўлган талаб 11,6 фоизга ўсиб, 107,486 дона автомашини сотилган.

Компаниянинг матбуот хизмати тарқатган хабарларга қўра, айниқса Civic, Odyssey, CR-V моделидаги уловларнинг бозори чакон бўлган. Масалан, ўтган ойнинг ўзида биргина CR-V машинасидан 11948 таси харид қилинган.



Ўтган ақшанба кўни Швейцариянинг Альп тоғлари бўйлаб сайр қилиб юрган сайёҳлардан уч нафари ҳалок бўлди, деб хабар беради Associated Press ахборот агентлиги. Бу воқеа Альпнинг энг гўзал ва саяҳатчилар орасида машҳур бўлган йўналиш ўтувчи Бернер Оберланд тепалигида рўй берган.

Фожиа ақинда бўлиб ўтган узлуксиз ёғингарчилик натижасида юмшаб қолган тоғ этагида, 2,2 километр баландликда содир бўлган. Шу жойдан сайёҳлар ўтаётган вақтда тупроқлардан иборат тоғ этаги уларнинг устига қўлаб тушган. Қўчи зарба улардан уч нафарини 22 метр пастликдаги тоғ дарёсига улоқтириб юборган ва марҳумларнинг жасадлари шу ердан топилган. Тахминлага қўра, ҳалок бўлганлардан икки нафари Америка фуқаросидир.

Шу сабабли зудлик билан унинг алоҳида белгиларини аниқлаш ва техник воситалар ёрдамида суратга олиш зарур эди.

Дарҳол суд-тиббиёт экспертига ва терговчи И.Раимқуловга жасаднинг бармоқ изларини олиш ҳақида кўрсатма берилди. Жасадни қўздан кечириш чоғида унинг чап қўли тирсак қисмида ханжарга илон ўралган қўқ рангдаги сурат (татуировка) остида «ХАБИЙ» деган ёзув борлиги аниқланди. Оғзининг ўнг қисмида 4 та сариқ рангдаги сунъий тиш, эғнида эса оқ қўқиш гулли труси, оёғида жигарранг пахта-ип материалдан тўқилган пайпоғи бор эди, холос. Бошқа белгилар аниқланмади.

Кун иссиқлиги боис жасад тез қорайиб бораётганлигини инобатга олиб, зудлик билан суратга ва видеотасвирга олиш ҳақида кўрсатма бердик. Чунки жасаднинг юз қисмлари уриш орқасида шишиб, биланмас бўлиб кетган. Уни юзидан таниб олиш мушкул эди.

Суд-тиббиёт экспертизаси марҳум бош мия суғи ёпиқ ҳолда синиши, миёси эзлиши, ўчта ўнг ва иккита чап қовурғаларининг синиши, қорин бўшлиғига қон қуйилиши оқибатида ўлганлигини кўрсатди. Шунингдек, аниқланган тан жароҳатлари фақат қаттиқ предмет билан қўчи зарб (тепиш ва мушт билан уриш) натижасида етказилганлиги ва шу жароҳатлар ўлимга сабаб бўлганлиги маълум бўлди. Марҳум суд-тиббиёт текшируви бошланганидан тахминан 55-60 соат олдин вафот этган.

Экспертиза ҳулосаси олинган, зудлик билан тезкор-тергов гуруҳи тузилиб, вазифалар белгиланиб олинди. Катта Фарғона каналининг ҳар икки томони бўйлаб қўқур текшириш ўтказилди. Канал Қорадарё бўйидан бошлаб 26 км масофада бўлиб, Шаҳрихон, Олтинқўл ва Андижон туманлари ҳудудларидан оқиб келар эди. Шу оқим бўйича каналга туташ ҳўжаликлар, дала шийпонлари, фуқароларнинг уйлари, чойхона ва дўконлар текширилиб, шу ерлардан бирон шахс уйига қайтиб келмаганлиги, бирон уруш ёки жанжал бўлган - бўлмаганлиги, жасаднинг усти бошлари қаерда қолганлиги ва қандай қилиб ечилиб қолганлигини аниқлаш чоралари кўрилди. Лекин бу ҳеч қандай натижа бермади.

Тергов гуруҳининг олдида яна бир муҳим масала турганд: марҳумнинг шахсини аниқлаш зарур. Шу сабабли қўшни туман, шаҳар ва вилоят ички ишлар, прокуратура органларига алоҳида топшириқлар юборилиб, уйига яқин 3-4 кун ичида қайтиб келмаган шахсларни аниқлаш ва бу ҳақда зудлик билан маълумот бериш сўралди. Сўров хатига жасад сурати, асосий белгилари кўрсатиб илова қилинди.

Орадан икки кун ўтгач, Андижон шаҳар ички ишлар бўлимида Андижон шаҳар, Нўмон Муродов қўчаси 3-уйда яшовчи Қўқоров Ҳабибулло Мирзамахмудович исмли шахс 1999 йил 11 июль кўни уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаганлиги, бу ҳақда унинг оила аъзолари муурожаат қилганлиги тўғрисида хабар олинди. Зудлик билан тергов-тезкор гуруҳи у ерга юборилиб, Қўқоров Ҳабибуллонинг оила аъзоларини жасадни таниб олиш учун Андижон шаҳар суд - тиббиёт экспертизасининг жасадхонасига олиб боришди. Лекин улар жасад қорайиб, шишиб кетганлиги ва юзларидаги жароҳатлар уни таниб олиш учун имкон бермаганлиги (татуировка йўқолиб кетган эди) учун жасадни таниб ололмадилар.

Шунда воқеа жойини қўздан кечиришда олинган видеотасвир иш бериб қолди. Тасвир марҳумнинг

1999 йил 14 июль.

Шаҳрихон туман ички ишлар бўлими ходимлари Катта Фарғона каналининг Отахонов номи жамоа ҳўжалиги ҳудудидан оқиб ўтувчи 26-километрга эркак кишининг жасадни топилганлиги ҳақида прокуратурага хабар қилишди.

Воқеа жойига тезкор тергов гуруҳи етиб борганда жасад сувдан чиқарилган эди. Унинг бўйи 170 см, тахминан 35-36 ёшлар чамасида бўлиб, осий миллатига мансуб деб тахмин қилинди. Жасад сувга тушганига 3-4 кун бўлганига қарамай баданлари ҳали чиришга улгурмаган эди. Уша вақтда соат 11-12 лар чамаси бўлиб, ҳаво ҳарорати жуда иссиқ бўлганлиги сабабли сувдан чиқарилган жасад қорая бошлаганди.

АЛОХИДА БЕЛГИСИ: ТАТУИРОВКА



оила аъзоларига кўрсатилди. Натижада хотини Қўқорова Одинахон ва укаси Қўқоров Ҳайруллолар унинг чап қўлидаги татуировка, оёғидаги пайпоқ, оғзидаги тилла тишидан аниқ таниб олганлигини кўрсатдилар.

Тергов гуруҳи олдида навбатдаги вазифа: Қўқоров Ҳабибуллонинг қотилини аниқлаш турарди. Бунинг учун унинг шахси, хулқи ва юриш-туришини қўқур ўрганишга тўғри келди. Дастлаб негадир унинг яқин танишлари ва оила аъзолари марҳум тўғрисида аниқ маълумот беришни истамади. Аммо тезкор йўл билан аниқландики, у 1999 йил 11 июль кўни соат 20 лар чамасида яқин таниши ва маҳалладоши Шарипов Хотамжоннинг машинасида чиқиб кетган ва қайтиб келмаган. Эртаси кўни Ҳабибуллонинг укаси Қўқоров Ҳайрулло «Акам сиз билан кеча кечки пайт кетган экан. Уйга ҳалигача келмади» деб сўраб келган. Аммо тайинли жавоб олмаган.

Шарипов Хотамжоннинг кўрсатмасидан: «Ҳақиқатан ҳам 1999 йил 11 июль кўни соат 11 лар чамасида Қўқоров Ҳабибуллонинг дўконисомсахонаси олдида учрашдик. Соат 15 ларга қадар бирга пиво ичиб, гаплашиб ўтирдик. Сўнг

Қўқоров уйига кетди. Соат 18 ларда биз яна учрашдик. Бирга Андижон шаҳар Тожик (ўйли) маҳалласига бордик. У бир уй олдида тушиб қолиб, «Абдумалик» деб чакирди, аммо у одам тезда чиқмаганлиги учун «Сен кетавер, мен ўзим қайтиб бораман» деб айтган, уни ташлаб қайтиб кетдим. Эртасига кечки пайт унинг укаси келиб «Акам сиз билан кетган экан, у қайтиб келмади» деганидан кейин у уйига келмаганлигини билдим».

Текширишлар давомида «Абдумалик» исмли шахс аниқланиб, уни қўлга олишдан олдин оилавий аҳоли, хулқи, юриш - туриши, муқаддам судланган ё судланмаганлигини текшириб, ўрганишга келишилди. Маълум бўлишича, Ҳабибулло ҳам, «Абдумалик» исмли шахс — Зулфикаҳоров Абдумалик ҳам наркотик моддалар билан олди-сотиб қилиб, ўзлари ҳам истеъмол қилишар экан. Ушбу ҳолат бўйича дастлаб аниқ маълумот бермаган Ҳабибуллонинг хотини Одинахон ҳам, укаси Ҳайрулло ҳам, онаси Ҳайринисо ҳола ҳам унинг наркотик моддаларни 2-3 йилдан бери истеъмол қилиб туришини айтишди. Зулфикаҳоровнинг уйи текшириб қўрилганда анча миқдорда гиёванд модда — наша топилди.

Абдумалик ушланиб, қамоққа олинди.

Дастлабки сўроқ пайтида Абдумалик нашини оғир касал бўлгандан бери истеъмол қилиб келишини, аммо ўзга шахсга сотиб ёки бериб ўтказмаганлигини айтиб кўрсатма берди. Айниқса, Ҳабибуллони умуман танимаслиги, 1999 йил 11 июль кўни уйига келмаганлиги тўғрисидаги кўрсатмаси тергов гуруҳини ажаблантирди. Шундан сўнг унинг уст-бошлари ва бадан алоҳислар ва суд тиббиёт экспертишторикида қўздан кечирилганда ўнг тирсагида тишланганга ўхшаган энгил тан жароҳати борлиги аниқланди ва у баённома билан расмийлаштирилди.

Шундан кейин маҳалла, жамоат вакиллари, фуқаролар ёрдамида Абдумаликнинг яқин қариндошлари, оилавий шароити ва аҳоли, хулқи қўқур ўрганишга киришилди. Текширишларда Абдумаликнинг акаси Зулфикаҳоров Мадамин бир неча марта безорилиги ва ўғирлиги учун судланганлиги, бунинг устига Андижон шаҳрида яшовчи фуқаро «М-нинг велосипедини тортиб олиб, бошқа шахсга сотиб юбориб, пулини ўзлаштириб юборганлиги аниқланди. Бу ҳақда тўпланган материаллар Андижон шаҳар ИИБ тергов гуруҳига юборилди. У ерда унга нисбатан ЖКнинг 166-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди. У сўроқ қилинганда тахминан 11 июль кўни кечки пайт укаси Зулфикаҳоров Абдумаликнинг уйи олдида зангори рангли (Шариповники) «ТИКО» энгил автомашинаси турганлигини кўрганлигини, лекин нима сабабдан ва кимнинг олдида келганлигини билмаслигини кўрсатди.

Шундан кейин маҳалла феоларини жалб қилиш орқали Акрамов Сайдулло (айрим сабабларга қўра исм шарифи ўзгартирилган) исмли воёга етмаган шахс аниқланди, ундан қуйдагича кўрсатма олинди:

«11 июль кўни соат тахминан 20-21 лар чамасида Абдумалик ака бир ўзбек киши билан нашининг нархи тўғрисида келиша олмай уришиб кетишди. Абдумалик ака у шахсни (Қўқоров Ҳабибуллони) уриб, тепа бошлади. У ҳўшдан кетгандан кейин сойга олиб бориб, ташлаб юборди. Абдумалик ака қайтаётганда мени қўриб қолиб, «Бировга айтсанг, сениям ўлдиран» деб айтди. Шунинг учун бу ҳақда ҳеч кимга оғиз очмай юрвдим».

Ушбу далиллар Зулфикаҳоров Абдумаликка тақдим қилинганда у ўз айбига иқдор бўлиб, ҳақиқатан ҳам Ҳабибуллони танишчилигини, ундан муқаддам бир марта наша сўраб келганда у бермаганлиги учун ўрталарида жанжал чиққанлигини, шундан кейин улар уришиб кетиб, бир-икки мушт урганлигини, у ҳам уни «ўлдирам» деб қўрқитганлиги учун тегиб, уриб ўлдириб, «Андижонсойга» қўтариб бориб, қўчи оқим жойига ташлаб юборганлигини кўрсатиб кўрсатма берди.

Тергов натижаларига қўра Зулфикаҳоров Абдумалик ЖКнинг 97-моддаси 1-қисми ва 273-моддаси 2-қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди ва Андижон вилояти Пахтаобод туман судининг 1999 йил 29 октябрьдаги ҳўкми билан 15 йилга озодликдан маҳрум этилди.

Т.САЙДАХМАТОВ,
Шаҳрихон туманлараро
прокурори.
Ж.ШАРЛОБОВ,
«Хукук» мухбири

Қутловлар

Қадри Манзураҳон!
Таваллуд айёмингиз қутлур бўлсин!

Баҳорнинг нафис чечакларидек беғубор қалбингизни қувонч асло тарқ этмасин. Тулин ойдек юзингиздаги инжу табассум умр бўйи ҳамроҳингиз бўлсин,

деб умр йўлдошингиз,
фарзандларингиз Жаҳоир, Юлдуз,
Сирдарё воялати

Хурмати
Гофуржон АЛИМОВ!

Сизни таваллуд айёмингиз билан мураккоб этишга икзот бергайсиз. Сизга сихат - саломатлик, узок умр тилаймиз.

Бирлашган
тахририят жамоаси

ДУНЁ, ДУНЁ...

Рейтер агентлиги тарқатган хабарга кўра Саудия Арабистонида Йемен фуқароси бир неча ёш қизларни зўрлаганиликда айбониб, қатл қилинган. Ашаддий жиноятчи бу билан қаноатланмай ўз қурбонларининг қимматбаҳо буюмларини ҳам ўзлаштирган. Бу мамлакатда тарқатилган хабарга кўра номус ўғриси Эль-Риёдада қатл қилинган. Шундай қилиб, шу йилнинг бошидан буён Саудия Арабистонида олий жазога тортилган одамлар сони 17 тага етди. Бу мамлакатда шарият қонунларига оғишмай амал қилинади. Унга кўра зўрлик билан номусга тажовуз қилиш ва наркотикларни контрабанда қилиш билан шугулланиш ўта оғир жиноятлар саналади ва ўлим билан жазоланади.

Дэвид Духовни айрим сабабларга кўра «Махфий ҳужжатлар»ни тарқ этапти. Йигирма қисмдан иборат бўлган мазкур сериалнинг саккизинчи қисмида у ўз ролини «Терминатор-2» фильмида киборг ролини ижро этган 40 ёшли Роберт Патрикка беради. Дэвид Духовни фильмининг фақат 11- қисмигача иштирок этади. Бирок, томошабинлар энди Фокс Малдер ўрнига бошқа актёр келишига кўниқилари лозим. Дана Скаллига солиб полициячи аини пайтда эса ФКБ (ФБР) агенти Жон Доггет ёрдамга келади.

SOS**«ТИТАНИК» ҚУТҚАРИЛМОҚДА**

Бундан 90 йилча илгари «Титаник» денгиз лайнери сувостига гарқ бўлган жойда аини кўнларда махсус экспедиция иш олиб бормоқда.

«Титаник»нинг мулкига эгалик ҳуқуқи бўлган RMS Titanic компанияси тарқатган хабарларга кўра, қутқарув экспедицияси ҳозиргача лайнернинг ичига киришга муваффақ бўлгани йўқ, гаввослар фақатгина у билан ёнма-ён ётган темир парчаларини кўтаришдан нарига ўтолмаптилар.

Агарда вақтни шундай ўтказаверсак ва бу гал ҳам кеманинг ички қисмига кира олмасак, денгиз микроорганизмлари кириш йўлакларидидаги чўян туйуқларини ишдан чиқазиб бўлади, — деди компания президенти Арни Геллер қутқарув ишлари хусусида берган баёнотида. — Денгиз тубида ётган бебаҳо юки бор имкониятимизни ишга солиб, тўлиғича чиқариб олишимиз зарур.

Кўп миллатли экспедиция қутқарувчилари биринчи навбатда «Титаник» бағридаги қадимги маданий ёдгорликларга ўхшаш қимматбаҳо буюмларни чиқариб олишни режалаштирмоқдалар.

Қутқарув ишларида Халқаро Океанография Мухандислик компанияси ҳам фаол иштирок этмоқда. Шунингдек, «Титаник» гарқ бўлган жойга «Мир 1» ва «Мир 2» сувости кемаларига эга бўлган Россиянинг «Академик Мстислав Келдиш» илмий-тадқиқот кемаси қатнашини ҳам кўзда тутиляпти.

Кези келганда шу нарсани айтиб ўтиш керакки, 1987-1988 йилларда ўтказилган турли қутқарув ишлари мобайнида океан остидан «Титаник»ка тегишли 5000 дан ортик буюмлар олиб чиқилган.

Эслатиб ўтиш керакки, ҳозирда сув остини мақон этган «Титаник» 1912 йилнинг 14 апрель оқшомида айсберг билан тўқнашув натижасида халокатга учраган, кема гарқ бўлган жой эса 1985 йил 1 сентябрда аниқланган эди.

ТЕХНИКА ОЛАМИДА

Бугунги кунда компьютер ҳақида тасаввурга эга бўлмаган одам йўқ ҳисоби. XX асрнинг буюк кашфиётларидан бири бўлмиш бу мўъжаз техника инсон фаолияти билан боғлиқ деярли барча соҳаларни забт этишга аллақачонлар улгурган.

Кейинги пайтда эса одамларнинг уй компьютерига бўлган қизиқишлари кескин ортди. Компьютер техникалари ишлаб чиқариш билан шугулланувчи қатор фирмалар бу эҳтиёжни инobatга олиб, уй компьютерларини янада мукаммаллаштириш ва уларни сотувга кўпроқ чиқаришга киришди. Бу борада ҳозирча Acer, IBM, Packard Bell Electronics, Hewlett Packard, NEC, Digital va Gateway 2000 каби компьютер «монстр»лари пешқадамлик қилмоқда. Куйида Packard Bell компанияси томонидан тайёрланган уй компьютерлари хусусида сўз юритилади.

Packard Bell компьютерлари бошқаларидан асосан кўп мақсадли эканлиги билан ажралиб туради. Яъни улардан кичик офис ва аини бир вақтнинг ўзида дам олиш маркази сифатида фойдаланиш мумкин. Бу акли машиналарга Intel Pentium фирмасининг 166 дан 700 Мгц гача бўлган процессорлари жойлаштирилган платаларнинг



ўрнатилиши кўшимча ускуналар ўрнатиш имкониятларини янада кенгайтирди.

Packard Bellнинг стандарт конфигурацияли компьютерлари куйидаги кўшимча ускуналарни ўзиде жамлаган ҳолда йиғилади:

**ҲОҲАДОНИНГИЗДА УЙ КОМПЬЮТЕРИ**

— CD проигриватели;
— Телефон рақамларини тезкор теруви ва охириги терилган рақамлар буйича қайта чақирувчи, рақамларни савлошни электрон китобли ва овозли маълумотларни ёзиб олувчи ҳамда автоматик жавоб берувчи телефон;
— Уч ўлчамли овоз чиқариш имкониятига эга бўлган SRS (surround sound) стереоколонкалари;

— MPR 2 стандартига жавоб берувчи, энг кам нурланувчи ва энергия талаб қилувчи, юқори даражадаги тасвири, ҳимоя ойнаси билан жихозланган монитор;
— Дастурлар тавминоти мажмуи, компьютерда ишлашни бошловчилар учун жуда қулай бўлган Navigator дастури Work space (иш кабинети) ва кўнгли очиш учун Kid space (болалар хонаси) бўлимлари билан.

Булардан ташқари, Packard Bell компьютерлари учун телевизион

тўлқинлар қабул қилувчи плата, 24 тагача ультра тўлқинлар қабул қилувчи FM плата, телевизорни ва компьютерни бошқарув пульталарини харид қилиш мумкин. Табиийки, бун-

дай кўшимча ускуналар билан кўп мақсадли компьютернинг афзаллиги янада ортди. Масалан, хонанинг исталган бурчагида туриб бошқарув пультадаги Select тугмаси ёрдамида телека-

налларни алмаштириш, радио-тўлқинларни тутиш, компакт-диск йўлакчаларига ўтиш ҳамда телефон маълумотларини эшитиш мумкин.

Булардан ташқари кўп мақсадли уй компьютерлари Internet ёки модем алоқалари билан боғланишда ҳам талай афзалликларга эга.

Бир сўз билан айтганда, ҳонадонингизга уй компьютери кириб келса, турмуш тарзингиз анча ўзгаради. Аиниқса, компьютер билан болаларингизни «ўртқ» қилиб қўйсангиз, у фарзандларингиз учун тарбиячи ва ўқитувчи, мантиқий ўйинлар йўриқчисига, оила аъзоларингиз учун эса кутубхона ва дам олиш ўчоғига айланади. Шунингдек, сиз компьютерингиз ёрдамида улкан энциклопедия мажмуига эга бўлишингиз, жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишингиз мумкин.

Ҳозирда кўп мақсадли уй компьютерлари пойтахтимиздаги қатор дўкон ва фирмаларда сотилмоқда. Тўғри, уларни сотиб олишга хар кимнинг ҳам қурб ётавермайди. Лекин, уй компьютерига эга бўлишдек бугунги орзуимиз вақти келиб амалга ошса ажабмас...

К.ИСЛОМОВ

ФУТБОЛ**БИР ҲИИНДА УЧ ПЕНАЛЬТИ**

Мамлакат футбол чемпионати-нинг олий лигасида навбатдаги икки тур ўйинлари ўтказилди. Шуниси қизиқки, бу турларда пенальти белгилашда ҳакамлар ўнчалик зикналик қилишмади. «Хоразм» - «Навбахор» учрашувида ҳакам наманганлик футболчиларни 3 марта пенальти билан «жазалаган» бўлса, «Пахтакор» - «Қизилқум» ўйинида «қария» Шквинин икки марта ҳакамнинг «хотамтойлигидан» фойдаланиб қолди.

«Нефчи» футболчилари иккинчи давра ўйинларини кўтаринки рудда бошлашганини таъкидлаш керак. Улар дастлаб «Сўғдиёна»ни 2:0 ҳисобиде мағлубиятга уратган бўлса, 22-турда «Гулистон»ни шундай ҳисобда енгилди. Ва ниҳоят «Дўстлик» ва «Самарқанд-Д» ўртада бўлиб ўтган ўйинни чемпионатнинг асосий учрашувларидан бири бўлди, дейиш мумкин.

Кескин курашларда кечган ўйинда меэбонлар қўли баланд келди (4:3).

Энди 21 ва 22-турда қайд этилган натижалар билан танишинг:

21-тур

«Хоразм» - «Навбахор» - 2:2, «Семург» - «Қизилқум» - 1:1, «Пахтакор» - «Бухоро» - 3:2, «Сўғдиёна» - «Нефчи» - 0:2, «Турон» - «Темирйўлчи» - 3:1, «Гулистон» - «Андижон» - 2:0, «Металлург» - «Насаф» - 0:0, «Трактор» - «Сурхон» - 4:2, «Кимёгар» - «Зарафшон» - 4:0.

22-тур

«Хоразм» - «Темирйўлчи» - 1:3, «Турон» - «Навбахор» - 0:0, «Семург» - «Бухоро» - 1:1, «Пахтакор» - «Қизилқум» - 2:2, «Гулистон» - «Нефчи» - 0:2, «Сўғдиёна» - «Андижон» - 4:1, «Трактор» - «Насаф» - 1:2, «Металлург» - «Сурхон» - 2:1, «Кимёгар» - «Самарқанд» - 0:1, «Дўстлик» - «Зарафшон» - 3:1.

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ

Аёлманд оиланинг бошлиғи уйи торлигидан роҳибга зорланибди.
— Оллоҳга тавалло қилинг, у сизларга мададга келса, ажаб эмас.
— Энди шу қолувди! Узи шундоқ ҳам бемалол ўтиришга жой йўғ-у...


Бир одам докторга келиб, кураклари орасида оғриқ пайдо бўлганидан шикоят қилибди:

— Чекасимзи?
— Йўқ.
— Ичасимзи?
— Йўқ.
— Аёллар билан жорасимзи?
— Муллоқо.
— Ундай бўлса, куракларингиз орасидан қанот чиқа бошлаган бўлса керак.

— Бугун отчопарга пойгага боргандим. Фалати можарога дуч келдим. Биласинми, ботинкамнинг ипини боғлаб олай, деб эгилган эдим, аллақандай чавандоз сакраб устимга миниб олди-да, икки биқинимни тешиб юборай деб ниқтади.
— Йўғ-е, кейин нима қилдинг?
— Нима қилардим? Ноилоҳжидан маррага биринчи бўлиб бордим.

— Сиз билан сенвор Росси қиришгани келди, — деди қамқохона назоратчиси маҳбусга.
— Унга, мени йўқ, деб қўя қолинг.

Ресторанда:
— Бу қанақа бемаънилик! Овқатингиздан ичкилик ҳиди келаяпти!
— Энди-чи, хоним! — деб сўради официант уч қадам нарига бориб.

КРОССВОРД

Энига: 1.1906 йилдан чоп этила бошланган жадидлар газетаси. 2.Ўзбек аёлларининг энг қадимий тақинчоқларидан бири. 7.Зот, насл. 9.Давлатни бошқариш. 10.Амударёнинг қадимий номи. 14.Хуррият. 15.Юнон фотиҳи. 20.Маълум бир масала ҳисобидан кўмак, сўров. 21. Қадимий ярим шойин, газлама. 22.Ўғил болалар исми. 24.Фоя, эътиқод. 27.Қўна транспорт тури. 29.Республикамиздаги шахар. 30.Бразилиядаги машҳур стадион.

Буйига: Сирдарёнинг қадимий номларидан бири. 2.Қариндошлик даражаси. 3.Инсон организм учун ўта фойдали модда. 4.Қадимдан қорачилик билан шугулланиб келган туркий қабила. 5.Бухоро амирининг бош қароргоҳи. 6.Пойтахтимиз қўчаларидан бирига номи қўйилган ҳинд давлат арбоби. 8.Матннинг маълум қисми. 11.Меъваси, қўқоқ соя ташловчи дархат. 12.Бухоронинг сўғи амираи. 13.Халқимизнинг йирик давлат ва жамоат арбоби (марҳум). 16.Ҳосил тўпладанган жой. 17.Пардоз суқулжи. 18.Айрим хонликлардаги хон қароргоҳи. 19.Қозғонистондаги шахар. 23.Ўлуғ зот. 25.Хун. 26.Ҳайвон, паррандаларга ҳос тана аъзоси. 28.Хавфли касаллик.

Ўтган сонда чоп этилган кроссворд жавоблари:

1.Қазамик, 2.Қуллук, 3.Қатик, 4.Қозоқ, 5.Қирқ, 6.Қуруқ, 7.Қовоқ, 8.Қаллик, 9.Қудук, 10.Қизирик, 11.Қопқоқ, 12.Қобик, 13.Қозик, 14.Қўриқ, 15.Қилтирик, 16.Қалмоқ, 17.Қармоқ, 18.Қаймоқ, 19.Қарлук, 20.Қайроқ, 21.Қовурдоқ, 22.Қайноқ, 23.Қишлоқ, 24.Қилтамоқ, 25.Қаттик, 26.Қўлоқ, 27.Қилтанок, 28.Қизик, 29.Қадоқ, 30.Қилиқ, 31.Қаварик, 32.Қамоқ, 33.Қалпоқ, 34.Қўноқ, 35.Қошиқ, 36.Қашшоқ.

Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси жамоаси Республика Ҳарбий прокуратурасининг солиб ҳодими

КИМ Валентин Еннокиевичнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.